6 ФЕВ 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАЖАБ, 27-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ДАЛВ, 14-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА, 25-СОН • 276 • — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 35 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хавфсизлик кенгаши бугун, 1992 йил 29 январдаги йиғилишида 737 (1992 йил) қарорни овозга қўймай қабул этганини сизга маълум қилишни ўзимга шараф деб биламан. Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташқилоти аъзолигига қабул эшитишни Бош Ассамблеяга тавсия қилувчи мазкур қарор қуйидагича: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этиш ҳақидаги мурожаати (аризаси)ни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни Бош Ассамблеяга тавсия этади».

Шу мавриддан фойдаланиб, ҳукуматингизга шахсий қутловларимни изҳор этмоқчиман ва Хавфсизлик Кенгаши раиси кенгаш аъзолари номидан берган қуйидаги баёнотни маълум қилмоқчиман: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этувчи 737 (1992 йил) қарорни ҳозиргина қабул қилди. Бу тавсия тез орада қабул этиш жараёнининг якунловчи босқичида Бош Ассамблея томонидан кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари номидан Ўзбекистон Республикасини шу қувончли ва тарихий воқеа билан табриклашдан мамнунман.

Ўзбекистон БМТ низомини бажаришга тантанали ваъда берди ва бу нарса олий даражада табриклашга лойиқдир. Ўзбекистон мазкур ташкилот олдида турган кўпдан-кўп вазифаларни бажаришга ўзининг катта хиссасини қўшажагига кенгаш аъзоларининг ишончи комилдир. Биз Ўзбекистон вакилларини ўз касбдошларимиз сифатида табриклаб кутиб оламиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча турли тузилмаларида улар билан бирга ишлаймиз, деб умид қиламиз».

Камоли эҳтиром билан:
Бутрос ГАЛИ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби.

ЖУРНАЛИСТЛАР НАЗОРАТИДА

ФАРҒОНА вилояти фаолларининг 30 январь куни бўлиб ўтган йиғилиши вилоятташқаридаги олий ҳамда ўрта даги ва унинг сарҳадидан махсус билим юртларида таҳсил кўраётган талабаларни иқтисодий муҳофазалаш соҳасида вилоятдаги хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар, фирма ва ширкатлар олдида турган вазифалар масаласини муҳокама қилди. Халқ депутатлари вилоят советининг раиси Ғ. Фозилов шу мавзуда маруза қилди.

Вилоят фаолларининг 22 январда бўлиб ўтган йиғилиши Талабалар шаҳарчасида юз берган тартибсизликларни муҳокама қилган (бу ҳақда «Халқ сўзи»нинг 25 январь сонида хабар босилган) ва белгиланган тадбирлар тизимини маъқуллаган эди. Хўш, яна мавзуга қайтишга нима туртки бўлди? Бир ҳафта илгариги йиғилиш шошма-шошарлик билан ўтказилганлиги, талабаларни иқтисодий муҳофаза қилиш ҳақида гап бўлмаганлиги, бу белгиланган тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмаганлиги ҳақида вилоят советига, рўзномаларнинг таҳририятларига хабарлар, талабномалар тушди.

Айрим хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар аниқ таклифлар билан чиқдилар. Айниқса, тажрибали пахтакор Мусажон Шербўтаев бошчилик қилаётган «Гулистон» жамоа хўжалиги яна ибрат кўрсатди. Олий ва ўрта махсус илмгоҳларнинг, диний мадрасаларнинг хўжалик ўрамидаги 400 дан зиёд талабасини ўз ҳимоясига олишга қарор қилди. Умумий йиғилиш хўжалик тўплаган даромаднинг бир қисмини талабалар учун ажратди. Фақат шу йилнинг ўзида 200 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Хўжаликда талабалар билан ўтказилган учрашувда вилоятдан ташқарида ўқийдиган талабаларга 300 сўмдан, вилоят ҳудудида ўқийдиган талабаларга 200 сўмдан ёрдам пули берилди. Москва, Санкт-Петербург ҳамда собиқ иттифоқнинг бошқа шаҳарларида таълим олаётган талабаларнинг йўлкира ҳақи ярмини ҳам хўжалик ўз зиммасига олди. Қуваликларнинг бу ташаббусини халқ депутатлари вилоят совети раёсати ва фаоллар йиғилиши тўла маъқуллади.

Ҳозирги кунда вилоятдаги илмгоҳларнинг ўзида 30 минг талаба таҳсил кўраяпти. Йиғилишда уларни иқтисодий муҳофазалаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Чунончи, Қўқон шаҳар совети шу мақсадлар учун йил охирига қадар 1 миллион сўм маблағ ажратишни зиммасига олди. Фарғона шаҳридаги Қиргули савдо идораси эса 100 минг сўм ажратди. Бундай хайрия жамғармалари ажратишга қўшилиш истагини билдирган ташкилот ва корхоналар юздан ошиб кетди.

Фаоллар йиғилишида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини, хайрия фонди маблағларидан қандай фойдаланилаётганини вилоят «Олтин водий» рўзномаси жамоаси, жумҳурият «Халқ сўзи» ва «Ўзбекистон овози» рўзномаларининг вилоятдаги мухбирлар қўналғалари ўз зиммаларига олишди. Йиғилишда бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи»нинг Фарғона вилоятидаги ўз мухбири.

БИРИНЧИ МУКОФОТ— РЎЗИМБОЙ ҲАСАНГА!

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг нашри «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетаси таҳририяти 1992 йилда ҳафталикда чоп этилажак энг яхши мақола, суҳбат ва бошқа асарлар учун ўн икки ойга ўн иккита мукофот таъсис этганди. Биринчи мукофот (1000 сўм) «Туркистон» газетасининг Хоразмдаги ўз мухбири, таниқли журналист Рўзимбой Ҳасанга насиб этди. Унинг «Оила ва жамият»да эълон қилинган «Қозилашган қариндош бўлолмайди», «...чап қўлинг билмасин», «Ҳайр қилинг!» каби туркум мақолалари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган эди.

Мукофот ҳомийси Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» давлат хўжалиги. Мукофот ҳар ой якунида бир муаллифга берилади.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ Кеча халқаро ҳамжамиятнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг олий даражадаги мажлиси очилди. Унда Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельцин қатнашмоқда.

✦ **Чехословакия пойтахтида Оврупо ҳамкорлиги ва хавфсизлигига бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг икки кунлик сессияси бўлди. Хельсинки жараёни тузилмаларини янада ривожлантириш, Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув расмий равишда очилишидан аввал собиқ СССРнинг МДҲ таркибига кирган ўнта республикасини мазкур кенгаш тузилмаларига тўла ҳуқуқли аъзолар сифатида қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мажлис зали пештоқида Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина байроқлари кўтарилди. Бундан буён Хельсинки жараёни 48 та давлатни бирлаштирадиган бўлди.**

✦ Тожикистонда мустақил божхона хизмати тузилди. Ҳукумат республика ички истеъмол бозорини янада самаралироқ ҳимоя қилиш мақсадида ушбу тадбирни кўрди. Мустақил божхона хизматининг ташкил этилиши республикадан рухсатсиз молларни олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтиришга, қўшни давлатлардан, энг аввало Афғонистондан Тожикистонга келтирилаётган қора дорилар билан савдо қилиш йўлларини тўсишга имкон беради.

✦ **Суданнинг Дарфур вилоятида қуролли талончиликда айбланган тўрт киши ўлимга ҳукм қилинди. Махсус ҳарбий трибуналнинг қарорига мувофиқ улар осиладилар ёки чормихга тортиладилар. Жиноятчиларнинг яна тўрттаси узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди, тўрт киши эса оқланди.**

1986 йил июнида бу кишилар вилоятлардаги қишлоқлардан бирига қуролли босқин уюштирганлар. Маҳаллий аҳоли уларни ушлаб қолишга ҳаракат қилганида туяларга миниб қочишган ва йўл-йўлақай ўқ отиб тўрт деҳқонни ўлдирганлар.

Судан қонунларида қуролли талончилик учун ўлим жазоси белгилаб қўйилган.

✦ Япония ҳукумати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига беғараз фавқулодда ёрдам сифатида, 6,5 миллиард иенолик маҳсулот юборажагини 17 январда эълон қилган эди. Озиқ-овқат ва дори-дармондан иборат бундай кўмакнинг биринчи туркуми ортилган самолёт Токиодаги Нарита аэропортидан учиб кетди. Фавқулодда ёрдам Япония томонидан МДҲ мамлакатларига халқаро Қизил Крест йўли билан берилмоқда. 30 миллион иенолик (салкам 231 минг доллар) биринчи туркум ёрдами таркибидаги озиқ-овқат ва дори-дармон Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонга аталган.

✦ **Эронда ислом инқилобининг 13 йиллиги муносабати билан авфи умумий эълон қилинди. Жумҳурият раҳбари оятилла Сайёд Али Ҳаменеий имзолаган фармонга биноан 1362 маҳбуснинг гуноҳидан кечиш ва қамоқ жазоси муддатларини камайтириш кўзда тутилади.**

✦ АҚШ Украина пойтахти — Киевда ўз элчихонасини расмий равишда очди. Давлат департаментининг ёзма баёнотида шу нарса маълум қилинди. Қўшма Штатларнинг Украинадаги биринчи элчиси тайинлангунга қадар АҚШнинг Киевдаги ҳозирги бош консули Жон Гундерсен Американинг муваққат ишлар вакили этиб тайинланди. Киевдаги АҚШ элчихонаси, дейилади баёнотда, ҳозирнинг ўзидаёқ Қўшма Штатларнинг фуқароларига нисбатан баъзи бир консуллик вазифаларини бажаришга киришиши керак.

✦ **Қозоғистонда чиқаётган газета ва журналлар инқирозга учрашлари тайин бўлиб қолди. Бунга сабаб қоғоз нархи, алоқа хизматларига тўланадиган ҳақнинг кескин даражада ўсганлигидир. Шу муносабат билан республика Журналистлар уюшмаси баёнот билан чиқди. Унда газета ва журналларни нашр этиш ва тарқатиш билан боғлиқ ташкилот ҳамда корхоналарни кейин қўшилган қийматдан солиқ олишдан озод қилиш, бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтириш талаблари қўйилган.**

✦ Собиқ Иттифоқда ёдгорликларни ҳақоратлаш авжига чиқмоқда. Куни кеча Тоғли Олтойда Бутуниттифоқ оқсоқоли ҳайкали олиб ташланди. Бир вақтлар М. И. Калинин бу ўлкага келишни яхши кўрарди. Маҳаллий Чамал курортида унинг рафиқаси дам олганди. Мармар оқсоқолга ҳайкалтарош устахонасидан жой ажратилди.

✦ **Италияда жосуслик тармоғи фош этилди. У саноат билан шуғулланиб келган экан. Қўшма Штатлардан бошпана сўраган собиқ совет дипломанти С. Илларионов берган ахборот туфайли шунга муваффақ бўлинди.**

✦ Жанубий Осетиядаги энг танг жойларда тунлар яна хавотирли ўтаяпти. Цхинвалига борадиган йўллар ва Знаур райони қишлоқларида ўқ овозлари эшитилиб турибди. Тинч аҳоли ва ҳарбий хизматчилар орасида жароҳатланганлар бор.

✦ **Санкт-Петербург депутатлари ва амалдорлари орасида давлат хизматини ғайриқонуний равишда хўжалик, тижорат ва корхоналардаги бошқа ишлар билан қўшиб олиб бораётганлар оз эмас. Шаҳар прокуратураси ўтказаётган текширишнинг дастлабки якунлари шуни кўрсатмоқда.**

✦ Америкада меҳмон бўлиб турган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг футбол терма командаси Сальвадорда учрашув ўтказди. Бу ана шу мамлакат командасини 3 : 0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Терма жамоада пахтакорчи А. Пятницкий ҳам ўйнамоқда.

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномалари материалларидан сараланди).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Уммон султонлигининг ҳукумат делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишмоқда. Делегацияга ташқи ишлар давлат вазири Юсуф бин Алави бин Абдалло бошчилик қилмоқда.

31 январь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов қабул қилди.

Суҳбат чоғида иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Кўпгина мамлакатлар Ўзбекистонни мустақил деб тан олганлиги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги муносабатлар учун кенг имкониятлар очаётганлиги таъкидланди. Республикада бой табиий ва хом ашё ресурслари бор, у ривожланган саноатга эгадир. Аммо тараққиёт йўлидан тезроқ илгари силжиш учун сармоялар, илғор технологиялар керак.

Уммон делегациясининг бошлиғи сарфланган капитал кафолатлари, хорижий сармоядорларни қонун йўли билан қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалаларни қизиқиб суриштирди. Ҳамма саволларга батафсил жавоб берилди.

Суҳбатда Уммон султонлигининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Назар бин Муҳаммад бин Али, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Т. Й. Ойхўжаев қатнашдилар.

Меҳмонлар республика Ташқи ишлар вазирлигида ҳам суҳбат ўтказдилар, суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш масаласи муҳокама қилинди. Делегация аъзолари Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасини зиёрат қилдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Режага мувофиқ улар Самарқандга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ ноҳиясидаги Киров номли жамоа хўжалигининг Ҳамроқул Эргашев бошлиқ звеноси бир гектар майдондаги иссиқхонадан режадаги 46 тонна ўрнига 48,5 тонна лимон ҳосили йиғиб олишга эришди.

СУРАТДА: ҳисобчи Бахтиёр Носиров билан звено бошлиғи Ҳамроқул Эргашевлар етиштирилган ҳосил чўғидан мамнун.

Шу райондаги «Ленинизм» давлат хўжалиги сигир соғувчиси Мадина Васильева (ўнгда) ўтган йилда ўз қаровидаги 14 бош сигирдан режадаги 42 тонна ўрнига 47 тонна сут соғиб олиб ҳамкасблари ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришди.

Ғ. АЛИЕВ
олган суратлар.

Мурожаатдан сўнг

Ҳукумат матбуотнинг дардини эшитмоқда

Касбимиз журналистлик бўлгани боисидан эски қолипни бузиб, расмий ахборотни ҳам журналистчасига — ҳикматдан бошласак: «Эрлилар ҳам йиғлайди, эрсизлар ҳам йиғлайди, уларга қўшилиб бўй қизлар ҳам йиғлайди». Ҳа, шундай! Ғафур Ғуломимиз айтганларидек, «Йиғламоқ одатим йўқ эрди, аммо йиғламай бўлурму бу бозор аро?» Ва яна демишларким, қабристонга борган ўз қабри устида йиғлар.

Минг машаққат гирдобида яшаса-да, журналистнинг йиғлашига ишонмаганман. Қаранг-а, бугун ҳатто у ҳам йиғлаяпти. Корнига эмас, қадрига: қоғоз йўқ, нашриёт қиммат, алоқаю, юклашу, ташишу тушириш қаҳат, маош ҳемири, қалам ҳақи уч мири, ёзганингу чизганинг дирҳамга арзимайди. Уйни, жойини, кийимию кечагини қўяверинг, ўриндиқ қўйиб ишлайдиган ўрнининг ўзи сичқон инидай жой, шу сабил ҳам йилига ҳозирги ўлчамда бир от тойчоғи билан ва бир туя бўталоғи билан қанча турса, шунчага боради.

Республика, Тошкент вилояти пойтахтимиз рўзномаларию ойномаларининг раҳбарлари ўз жамоаларининг арзу додини, кўз ёшларию дил нолиширини тинглаб, «Йиғлоқилик етар, эркакнинг иши эмас бу, ҳаққимизни талаб этайлик!» деган қарорга келдилар-да, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига, Президентга, ҳукуматга мурожаат қилдилар. Воқеа 31 январда содир бўлди: Рўзномаларнинг ҳаммасида (биттаси мустасно) ҳайқириқ садоси янгради. Сарлавҳаси даҳшат: «Матбуот жар ёқасида!». Худди шу куни, сабр косаси тўлган бўлса керак, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви котибияти ҳам шошилинч мажлиси муҳокамасига шу дарду аламли масалани қўйганди.

Замона зайли, раҳбарият майли яхшилик сари ўзгариб бораётганини қаранг, қувонинг ва қадрлангки, эрталабданоқ рўзномаларни варақлаган Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, асли матбуоту адабиётнинг ҳам тахир, ҳам тотли нонини еб вояга етган Эркин Самандаров ҳамма ишини йиғиштириб қўйганича бояги йиғинга, журналистлар, нашриёт, матбаачилар қошига ташриф буюрди.

Айтиб қўяй: ҳар галгидек гап кўп, кўмир оз қабилида эмас, пўстакалласи айтилди: ҳа, жар ёқасига икки қадам қолган; ҳа, аҳвол оғир ва мушкул; ҳа, эрта-индин рўзномалару ойномалар чиқмаслиги эҳтимол; ҳа, қаламі учидан кун кўриб келаётган ўн минглаб жафокашлар ишсизлик лашкари сафларини тўлдиришлари мумкин ва ҳоказо.

Нима қилмоқ керак? Эркин Самандарович, билишимча, бу мушкулотни юрагида олиб юрган экан, аниқ-равшан, қисқа-калта хулосаларини айтди. **Биринчиси:** бор муаммони ипидан игнасигача ўрганадиган, бир тўхтамга албатта келадиган ҳукумат комиссияси тузилади, унга бунинг учун узоғи билан ўн беш кун муҳлат берилади. **Иккинчиси:** ҳозирча имкони бор жойдан арзонроқ қоғоз сотиб олиш чоралари кўрилади. **Учинчиси:** шу йилнинг ўзидаёқ республикамиздаги сув текин хом ашё ҳисобига турли вилоятларда қоғоз ишлаб чиқариш оз-оз эса-да йўлга қўйилади. **Тўртинчиси:** жумҳурият бюджети чок-чокидан сўтилиб кетаётган тақдирда ҳам матбуотни ижтимоий ҳимоялаш мўлжалланади. **Бешинчиси:** бугунги тангликни назарда тутиб, бўлар-бўлмас, кераксиз-яроқсиз китоблару китобчалар (масалан, «Қўй жунини қандай қирқиш ҳақида» олим рисоласи) нашри тўхтатиб турилади. **Олтинчиси:** мавжуд рўзномаларни ҳафта давомида неча марта чиқаришни ҳам (вақтинча) ўйлаб кўрса арзийди.

«Мен бирорта ҳам рўзноманинг ёпиб қўйилишига қаршиман, бунинг зиёни нечоғли эканини биламан» — Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари билдирган бу фикр қалбимга шаъм ёқди.

...Атиги бир соатлик машварат. Юқорида қайд этганларим — фойдали мушоҳадаларнинг бир қисми, холос. Сўзимнинг интиҳосида комил ишонч билдиришни ихтиёр этдим: муз ўрнидан кўча бошлади, оҳимиз подшоликка етди шекилли, ҳукумат матбуотнинг дардини эшитди. Ўйлайманки, дори-дармони ҳам, малҳам ҳам топилар.

Кутайлик, азизлар, яна бироз кутайликчи...

А. МУХТОРОВ.

Муштарийга аталган калом

ҲАЙРОН БЎЛМАНГ, БУ ЎТКИНЧИДИР

Жумҳуриятимизда эркин нарх-навога ўтиш жараёни кунлик ҳаётимизнинг барча соҳаю тармоқларини қамраб олди. Жумладан, бошимизга тушган ва кўзимиз кўрган бу ҳолат рўзномалар жамоалари ҳаёти, аниқроғи «Халқ сўзи» ва «Народное слово»ни ҳам четлаб ўтгани йўқ. У ҳозирги кунда жамоаларимиз фаолиятида ўз кучини борлигича кўрсатмоқда. Келинг, яхшиси, таҳлилу далилга ўтайлик.

Эркин нарх-навога ўтилишини қайси жамоа, қайси касб-кор эгаси қай кайфиятда кўтиб олганларини билмадик, аммо журналистлар аҳли бу даврга оғир ҳолату кайфият ила кириб келганликлари аниқ. Чунки бу бозор шароити эл-юрт хизматига доимо камарбаста бўлган қалам аҳлининг бир дардига икки дард қўшганлиги, иситмасини оширгани рост.

Олдинги йиллар, ҳатто 1991 йил октябрь ойигача ҳам бир тоннаси 930—1.100 сўм турган қоғоз нархи бугун осмонда — 15—20 минг сўмгача. Бўёқлар баҳосию босмахонага тўлайдиган ҳақлар ҳам худди шундай — 5—7 баробар ошди. Жумҳурият матбуот тарқатиш идораси хизмат ҳақини 3—4 ҳиссага, авиация, темирйўл, автотранспортда рўзномаларни ташиш, электр қуввати 2 карра, рўзномаларни сотиш дўконларни ижараси 3 ҳисса кўпайди. Бу бир неча маротабага «ошдию кўпайди»лар ўз навбатида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» таннархининг 4—5 баробар ошиб кетишига сабаб бўлди.

Бир мисол: йил давомида рўзномамизнинг 256 сонини чиқариш ҳозир 17 миллион сўмга, кундалик сони эса 66,4 минг сўмга тенглашди. Ёхуд бир нусха рўзнома таннархи олдинги 12—15 тийин ўрнига 67—68 тийинга кўтарилди. Шу сабабли биз чакана сотувдаги рўзномаларимиз нархини оширишга мажбурмиз...

Нима ҳам қилардик, ер қаттиқ, осмон йироқ. Қисматимизга тан берив, Сиз — қадрдон муштарий аҳволини ҳам кўз олдимизга доимо келтирамиз. Лекин айни вақтда қўлимиздан рўзномалар таннархини камайтириш чораси келмайди, буни яшира олмаймиз. Аксинча, 1992 йилнинг 5 февралидан бошлаб уларнинг чакана савдога чиқарилаётган баҳосини 60 тийин қилиб белгилашга мажбур бўлдик.

Йиллик обуна баҳоси 89 сўму 60 тийинга тенглашди. Обуна бўлганлар бир нусха рўзномани 60 тийин ўрнига 42 тийинга оладилар. Хуллас, бу ҳолатда ҳам обуна яна бир бор ўз афзаллигини кўрсатади.

Қадрдон муштарий ҳайрон бўлманг ва ўксинманг. Бунисиз ҳам давр талаби бўлиб, ёз ёмғиридай ўткинчидир. Ҳозир эса «Халқ сўзи» рўзномасига обуна давом этмоқда.

Фахриддин ПАРПИЕВ.

ҒАЛЛАОРОЛ:

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Ғаллаорол ҳудудий жиҳатдан энг йирик, лалмикор, исми жисмига моناند ғаллакор ва чорвадор районлардан. Бу ерда салкам юз минг аҳоли кун кўради, ишлайди, яшайди, ўқийди.

Район ҳудудида Маржонбулоқ ва Қўйтош конлари жойлашган. У ердаги ишчилар онги, талаб даражаси, бир-бирига талабчанлиги жиҳатидан мана-ман деган Россия саноат марказларидаги ишчилардан қолишмайди. Бу ҳол ўтган йили Қўйтош кони ишчиларининг норозиликларида ҳам ўз ифодасини топди. Ишчилар жанжал қилмадилар, калтак кўтариб югурмадилар, аксинча, бир неча етакчилар йиғилдиларда, раҳбарият олдига талабларини қўйдилар. Натижада вилоят бўйича мутахассислар йиғилиб кондаги аҳволни ўргандилар. Маълум бўлишича, ишчиларнинг талаби тўғри экан. Илгари кон жилови Москва маъмурлари қўлида бўлиб, кейинги йилларда маъдан қазиб олиш бирмунча камайган ҳамда Горбачев сиёсати тантанасининг интиҳоси туфайли тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган эди. Оқибатда ишсизлик хавфи туғилган, бирон чора кўринглар дея район раҳбариятига қилинган барча мурожаатлар «эшитилмай» қолаверганди. Гап шундаки, Қўйтош чекка жой. Унинг туб аҳолиси тирикчилик қилишда, кун кўришда конга суяниб қолган. Кон эса ёпилиш арафасида. Бошқа ёққа кетиб ишлаш осон эмас. Демак, чора топиш керак. Мутахассислар аниқлашдики, Қўйтошда воллостанит маъдани бор. Шунингдек, қимматбаҳо мармар, мармар кукуни ҳам мавжуд. Уларни қайта ишлайдиган цех қуриш мумкин. Ғишт заводи, оҳак заводлари қуриш учун бу ерда хом ашё мўл.

Бу воқеалар ўтган йили март ойида рўй берган эди. Қўйтошликларнинг айтишича, ўша ваъдалар ваъдалигича қолди. Айтарли ўзгариш бўлмади.

Кон ишчиларининг яна бир қанча ижтимоий-иқтисодий талабалари борки, улар юзасидан ҳам ваъдалар берилганди.

Узоқ йиллар давомида маъдан қазиб олиш учун ер остига турли-туман заҳарли моддалар жўнатилган. Улар ерга сингиб, кейин қуйи жойлар, жумладан Ўгат қишлоғидан булоқ бўлиб чиқаяпти ва шу сувни аҳоли истеъмол қилиб, сариқ, ичбуруғ дардига чалинаяпти.

— Бизда соғ одам қолмади, — деган эди бултур 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишда ўғатлик ишчи Ҳасан Тоғаев. — Бунинг чорасини кўринглар, деб кон маъмуриятига айтдик. Эшитмаганга олишди. Район раҳбариятига айтдик — томошабин бўлиб тураверишди. Кейин вилоятга чиқишга мажбур бўлдик. Индамай десак, аҳвол кундан-кунга баттарлашаяпти, гапирсак, ёзсак, биз ёмон, биз — ёзғувчи.

— Битта арча ўн тонна сувни асрайди, — деди ишчи Ҳамидов. — Тоққа арча экиш керак.

Афсуски, бу талаблар ҳам инобатга олинмаяпти. Аниқ маълумотларга кўра, Жиззах вилояти бўйича энг кўп норозилик, юқорига арзу шикоят Ғаллаорол районидан экан. Ғаллаоролликлар вилоят раҳбар органларига шикоят ёзиш бўйича кейинги тўрт йилда биринчиликни қўлдан бермаяптилар. Жумладан, 1991 йили ҳам тўқсондан ортиқ шикоят тушган.

Нега бундай бўлаяпти?

Одатда тарихни, буюк ишларни халқ яратади. Бу фикрга қарши бормаган ҳолда таъкидлашни истардимки, етакчисиз халқ — бу оломон. Ҳамма жойда барча нарса етакчиларга, биринчи шахсларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Сўнгги беш йил давомида аҳолига шахсий томорқа учун етарли миқдорда ер ажратилди, қорамол, қўй-эчки сотилди. 1985 йилдан бери ғалла, картошка, сабзавот, полиз, гўшт, сут, тухум етиштириш бир қадар ўсди. Лекин... Ҳар бир киши йилига ўртача 45 килограмм картошка истеъмол қилиши керак бўлгани холда, район бўйича бу маҳсулот ўрта ҳисобда 23 килограммдан етиштирилаяпти, холос. Сабзавот, полиз, мева, гўшт, сут ҳам шундан нарию бери. Республикадаги энг ғаллакор, энг чорвадор районда аҳоли жон бошига шу қадар паст даражада гўшт, сут, полиз-сабзавот маҳсулотлари тайёрланаётган экан, аёллар камқонлиги, касалманд-лиги, сариқ касалнинг бу қадар авжланганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Кейинги беш йил давомида район бўйича қорамоллар 20 фоиз, чўчқа 23 фоиз, бузоқ, қўзи олиш уч фоиз, сут соғиш 20 фоиз камайган. Қўй-эчки ҳам деярли кўпаймади.

Ҳа, мол сони камайгач гўшт-сут ҳам камаяди-да. Маҳсулот камайса, чорвадорнинг ойлик маоши ўсмайди, демак, унинг уйидаги шароит яхшиланмайди. Уй шароитини яхшилаш учун фермадаги емни, сомонни ўғирлашга мажбур бўлади.

Хўжаликларнинг раҳбарларига ҳам осон эмас. Улардан: «Қандай қилиб бўлса-да, режани бажарасан», деб талаб қилишади. Ғаллаорол асосан лалмикор, кўк ўт етишмайди. Кўк ўт етишмаган жойда сут кўпаймайди. Аммо юқоридан туширилaдиган режа бўйича сут муттасил кўпайиб бориши керак (юқоридагилар маҳаллий шарт-шароит билан қизиқмайдилар, сигирни робот деб ўйлайдилар). Хўжалик раҳбари аҳволни ҳеч кимга тушунтиролмайди. Тушунишни исташмайди. Шунинг учун у зир югуриб, сут заводига боради, пул бериб «фалон хўжалик фалон тонна сут сотди», деган қоғоз олади. Режа шу тахлит бажарилади, аммо ўша пул хўжаликдаги кимларнингдир ҳисобидан кетган. Бу ҳисобни тўғрилаш учун қалбаки ҳужжатлар тўлдирилади ва уни кимлардир албатта яхши билади. Агар хўжаликда раҳбарият томонидан кимдир норози қилинса, кейин ана шу рақамлар хатга тушиб, турли-туман идораларга шикоят жўнатилади. Текшириш, ур-сур бошланади! Бундай олиб қараганда бизнинг социалистик тартиботимиз ўн йиллар давомида шу тахлит яшаб келди. Бу ишлар учун ҳеч кимни жазоламаслик одат тусига кирган эди. Ҳа! Лекин текшириш натижаси қандай тугашидан қатъий назар хўжалик раҳбарининг аҳоли орасида обрўси пасаяди. Керак бўлса, у оддий чўпонга ҳам тик қараб: «Фалон ишни қил», дея олмайдиган даражага етади. Чунки тик қараса, чўпон ҳам тик қарайди, «Ўзинг ўғрисан!», дейишдан қайтмайди. Шундай вазиятда хўжалик ишлари баттар орқага кетади, норозилар яна кўпаяди, хатбозлик баттар авжланади.

Яқинда-яқинда, 1988 — 89 йилларда ҳам хўжаликлардаги сут ишлаб чиқариш режасидан давлатга сут сотиш режаси баланд эди. Айтайлик, бир хўжалик режа бўйича 500 тонна сут ишлаб чиқарса, унинг 100 тоннасини бузоқларга бериши, 20 тоннасини маҳаллий боғчаларга, мактабларга, бошқа жойларга ажратиши керак. Демак, давлатга сотиш учун 380 тонна қолади. Аммо режа бўйича давлатга 550 тонна сут топширасан, деб талаб қилишарди.

Қани топширмай кўрсин-чи! Жони нечта экан унинг! Директорга ўз лавозими азиз бўлса, сутни топширади. Сут дўконга чиқиши шарт эмас, боғчага бордими, йўқми, буни ҳам ҳеч ким суриштирмайди.

Қоғозда режа бажарилсин! Энг асосийси ана шу! Яъни район раҳбарларининг қулоғи тинч бўлсин. Вилоятдагилардан режа борасида гап эшитмасин! Вассалом.

— Бизларни ўлдирган ҳам, қаматган ҳам, оқдан олиб қорага, қорадан олиб оққа солган ҳам, ниҳоят социализм дунёсини таг-томиридан қўпорган ҳам ана шу режабозлик! — дейди бир хўжалик директори. — Гўшт-сут эмас, биздан биринчи навбатда режани талаб қилишади. Ҳамма фожиа шунда. Аҳолидан сотиб олиш керак бўлган сутни ҳам бизнинг режага қўшиб беришади. Хўжаликда ўн бешта қишлоқ бор. Баъзилари қирқ километр нарида. У ердан эса бор-йўғи 50 литр сут олинади. Ўшанга ҳам битта транспорт бир кун овора. Яъни эшагидан тушови қиммат. Агар улов ажратмасанг — ўша куни район раҳбариятидан калтак ейсан. Ҳозирги баҳода сутнинг литри 1 сўм 80 тийин, сут топширган киши шу пулни жамулжам олади. Кейин 15 та улов чала-ярим идишлари билан 50 — 60 чақирим наридаги сут қабул қилиш пунктига жўнайди. Уларни битта уловдаги идишга қуйиш мумкин эмас, шундай қилишса қишлоқлараро жанжал чиқади. Шу тахлит биз улов ҳаражатларига куйиб қолаяпмиз. Кераксиз ҳаражат кўпайгандан сўнг чорвадорнинг ойлик маоши камаяди-да!

Район саноати ўтган беш йил давомида маҳсулот етиштириш ҳажмини 34 фоизга камайтирди.

— Капитал қурилиш ишлари ғоят ғариб.

— 76 та ўрта мактабдан фақат 16 тасининг биноси бугунги кун талабига жавоб бера олади. Олти мактаб биносининг ҳолига маймунлар йиғлайди, аммо раҳбарларнинг парвойи палак. Президент фермонларининг мактабларга тегишли қисми районда бажарилмаяпти ҳисоб. Мактабгача ёшдаги болалар ва камқонли аёлларга кўрсатиладиган ёрдам бўйича ҳам Президент қарорларига бу ерда аҳамият беришмайди. Икки ёшгача бўлган ҳар бола бир ойда ўн сўмлик бепул озиқ-овқат олиши керак бўлгани ҳолда икки сўмлик олаяпти.

— Утган йили 1240 киши сариқ касалга чалинди, яъни ҳар минг кишининг 13 нафари. Уларнинг ярмидан кўпи ёш болалар эканлиги ғоят ташвишли. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга мутасил ошаяпти. Бу борада ижобий ўзгариш бўлишига ҳали-бери умид йўқ, чунки аҳолининг ярми артезиан қудуқлар сувидан бебаҳра. Конлардан заҳарланиб чиқаётган сувлар аҳволни баттар ёмонлаштиради. Ана шу вазият, ҳеч нарса яхшилик сари ўзгаришига ишонмаслик умумий лоқайдликни келтириб чиқарганки, у кишилар руҳини эзиб, мажақлаб, атроф-теваракдаги янгиликларга бефарқ қилиб қўйган. Ана шу лоқайдлик туфайли маданий-маърифий ишлар чоҳга юztубан кетяпти. Район Маданият уйи, ёзги кинотеатр йиқилиш арафасида, шаҳар дам олиш боғида бир вақтлар катта ҳавас билан кўкартирилган дарахтлар энди эгасизлик ва сувсизликдан қурияпти, болалар учун ясалган турли-туман қимматбаҳо аттракционларнинг яроқлиси қолмаган. Боғдаги иморатларни эса шаҳар маъмурлари ўзларига идора қилиб олишган, у ерда жойлашиши керак бўлган 5-санъат мактабини район ҳарбий комиссариатининг эски биносига ҳайдашган.

— Беш йил давомида ўн икки аёл ўзига ўт қўйди. Уларнинг тўққиз нафари оламдан ўтди.

— Ҳозир олти ярим минг нафар ишсиз бор.

Ғаллаорол ана шу ҳоли билан бозор иқтисодиёти сари қадам қўйди. Энди унинг куни қандай кечади?

Икки-уч йилдан бери аҳолини иш билан таъминлаш учун кўп районларда қатор кичик корхоналар очилди, афсуски ана шу имконият Ғаллаоролда бой берилди. Энди анча кеч. Иш топаолмаган одам эса... Хуллас, аҳвол оғир. Тўғри, нон борасида ғаллаоролликлар кун кўриши мумкин. Хўжаликлардан сотиб олишгандир, бошқа йўллар билан ғамлашгандир, ишқилиб, нима бўлганда ҳам аҳоли асосан ғалла билан таъминланган. Аммо... инсон биргина нон билан тиригу биргина нон учун яшайдиган бўлса, унда ҳаётнинг қизиғи қоладими?

Хуллас, шу кетишда райондаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар кескинлашса кескинлашиб кетаверадики, яхши томонга ўзгариши маҳол.

Нима қилиш керак?

Бу саволга бугун қозонимиздаги овқату устимиздаги кийим-бошга шерик бўлаётган бозор иқтисодиётининг тезкор жараёнлари ўзининг узил-кесил жавобини айтиши муқаррар.

Ишлаб турган аҳолини таъминлаш ғоят оғир кечаётган бир дамда олти ярим минг ишсиз билан ҳазиллашиб бўлмайди. Қўйтошдаги воқеалар бежиз содир бўлган эмас. Бу ҳол бошқа қайтарилмайди, дея ким кафолат беради?

Абулқосим МАМАРАСУЛ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ КОРХОНА

Фарғона вилоятидаги Бағдод ун комбинати муддатидан тўрт ой илгари ишга туширилди. Корхона бир кеча-кундузда 250 тонна юқори навли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Келажакда комбинатни чет эл ускуналари билан жиҳозлаш режалари кўрилмоқда. Ишлаб чиқариш суръатини сусайтирмаган ҳолда маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига электр монтёр Мамажон Тошматов ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг электр монтёри М. Тошматов. Ун комбинатининг (пастда) умумий кўриниши.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

СУНГГИ ПОЧТАДАН

МАНТИҚАН ЎЙЛАЙЛИК

Бошқа тилдаги атамаларни ўзбекча муқобилига алмаштиришда асосий мезон нималарди иборатлиги кўплар учун ҳалиям аниқмас. Мақсад русча атамаларни ўзбекча муқобили билан алмаштиришми?

Унда ҳозирча русча атаманинг айнан ўзбекча муқобили бўлмаса, уни бошқа тилдаги шакли билан алмаштириш ҳоллари кўп учрамоқда. Аксарий ҳолларда асли, келиб чиқиши, ҳозирда ишлатилиши ҳам интернационал аҳамиятга молик бўлган атамалар ўзбекча эмас, бошқа тилдаги шакллари билан алмаштирилмоқдаки, бу оддий мантиққа ҳам тўғри келмайди. Масалан, асли лотинча «республика», «интернационал», «депутат», французча «газета» атамалари ўрнида ўзбекча бўлмаган «жумҳурият», «байналмилал», «нонб», «рўзнома» сўзлари ишлатилмоқда.

Менимча, тарихан ҳам, ҳозирда ишлатилиши ҳам интернационал характерга эга, тилимизга сингиб кетган атамаларни, агар уларнинг айнан ўзбекча муқобили топилмаса, ўзгартирмаган маъқул.

О. ЁҚУБОВ.
Самарқанд вилояти.

ДЎКОНЛАРДА ҲАММА НАРСА БОР, АММО...

ҲАР куни 500 литрдан кўпроқ сут, 1000 шишага яқин қаймоқ, қатиқ ва шунга ўхшаш сут маҳсулотлари Бухоро сут заводига қайтариб юборилмоқда. Бу дўконларда сут маҳсулотлари касодга учраётганлигининг натижасидир.

Ана шу тақчил маҳсулотлардан сўнг гўшт маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарувчиларга қайтиб кела бошлади. Бу ерда 1 килограмм гўштнинг баҳоси 28—30 сўм оралиғидадир.

Бухоро дўконларида ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл, колбасанинг 20 хил нави, чўчқа ва мол гўштидан тайёрланган консервалар, пишлоқлар, сариёғ шулар жумласига киради. Лекин... кишини ана шу нарса қуйдиради-да... Нархлар чақиб олмоқда. Савдо ходимларининг фикрига қараганда, эркин нарх-навога ўтилиши, айни вақтда пештахталарнинг моллар ва маҳсулотларга тўлиб кетиши нарх-навонинг пасайишига олиб бориши шубҳасиздир. Лекин ҳаммаси бир масалага — бу вақт қачон келаркин, деган саволга келиб тақалмоқда. Ҳозирча эса, ишлаб чиқарувчилар нархларни барқарорлаштиришга шошилмаётганга ўхшайдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚАРО ДОРИЛФУНУН

28 — 30 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган анжуман якунидан унинг иштирокчилари чуқур қониқиш ҳосил қилдилар: кўзланган мақсадга эришилди. Халқаро дипломатия ва менежмент дорилфунуни ташкил этилди. «Азия Трейдинг интернейшнл корпорейшн», Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Буюк Британия Менежерлар уюшмаси ва Бирменгем дорилфунуни бу ҳайрли, республикамиз учун жуда зарур тадбир ташаббускорлари бўлдилар.

Ўзбекистоннинг мустақиллиққа эришуви билан бир қаторда кўпдан-кўп муаммолар кўндаланг бўлиб қолди. Унинг обрўсини кўтарадиган, манфаатларини ҳимоя қиладиган, ваколатларини муносиб даражада адо этадиган муассасалар ташкил этилаяпти. Чет мамлакатларда элчихона ва ваколатхоналарнинг очилиши дипломат кадрлар тайёрлаш масаласини ўртага қўймоқда. Янги дорилфунун шу муаммони ечиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ишбилармонларнинг бу амалий учрашувида Буюк Британия Менежерлар уюшмасининг раиси Питер Хунгтон, ватандошимиз — Аҳмад ва Фарид Туронлар, дунёга машҳур «Диксонс» фирмасининг тижорат директори Питер Берди, Швейцария ва Америка Қўшма Штатлари банклари уюшмаларининг масъул вакили Арнолъд Теодор, яна кўплаб таниқли бизнесменлар, спорт соҳаси мутасаддилари иштирок этдилар.

Анжуманнинг ёпилиш чоғида янги дорилфунун ректори Б. Турсунов ажойиб янгиликни маълум қилди. Буюк Британия Олимпиада миллий комитетининг вице-президенти жаноб Мун 2002 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини Тошкентда ўтказиш ғоясини илгари сурибди. Бу хабарни иштирокчилар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, Самарқанд, Андижон, Шаҳрисабз, Термиз, Бухоронни зиёрат қилдилар.

Х. МИРҲОДИЕВ.

ТАБИИЙ ОФАТ ДАЪФ ЭТИЛДИ

Илгари хабар қилганимиздек, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши Амударё қуйи қисмини музлатиб, айрим жойларда муз ҳарсангларининг зичлашувига олиб келди ва сув сатҳининг 1-1,5 метргача кўтарилиб, уйларни, суғориш иншоотларини ва чорвачилик биноларини ювиб кетди. Урганч районига қарашли «Қизилжар» давлат хўжалигининг ерлари сув остида қолиб, қирғоқдаги турар жойлар, чорва биноларни, озуқа омборлари жиддий зарарланди. Муз ичида қолган йилқилар ва қорамолларнинг нобуд бўлиш хавфи вужудга келди.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун «Қизилжар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликлари жамоалари, кексаю ёш оёққа қалқиб, қатъият, тадбиркорлик билан ишга киришдилар. Сув ва музни кечиб ўтиш имкони бўлмагач, вертолётларда «десант» туширишга тўғри келди. «Қизилжар» давлат хўжалиги директори Султонмурод Худойберганов ўз йигитлари билан қўл асбоблари ёрдамида музни парчалаб, чорва молларини қирғоққа олиб чиқиш учун йўл очдилар. Қисқа вақт ичида 80 та йилқи, уч юз бошдан ортиқ мол қутқарилди. Муз қатламида қолган отларга ва қорамолларга вертолётда ем-хашак етказиб берилди.

Яйловдаги хўжаликларнинг ер қазиш, текислаш техникаси, транспорт воситалари сиз катта ҳажмдаги ишларни бажаришнинг уддасидан чиқиш қийин эди. «Хоразмсовхозводстрой» трестидан келган 20 та автомашина, 8 та бульдозер ва скрепер, вилоят автомобил трестидан юборилган йигирмата қудратли автомашиналар ишнинг анча жонланишига олиб келди.

Хоразмлик тажрибали сув хўжалиги мутахассислари Ислом Эшжонов, Жуманиёз Машарипов, насос иншоотлари ва энергетика алоқа бошқармаси бошлиғи Шоҳназар Ёқубов, «Қизилжар»даги насос станциялари участкаси бошлиғи Қурбонбой Қоратоев табиий офат оқибатларини тугатишдаги кенг кўламли ва машаққатли ишларга бошчилик қилдилар.

«От бошига иш тушса сувлиғи билан сув ичар, эр бошига иш тушса этик билан сув кечар», деб бежиз айтилмаган. Сувлиқ билан сув ичиш ҳам гапми, қоринларига қадар муз қатламлари қисиб қолган йилқиларни ва қорамолларни омон олиб қолиш осон кечмади. Уларнинг айримлари нобуд бўлди. Ҳайриятки этик билан сув кечган бир неча кун давомида дам олиш ва уйқуни билмаган одамлар матонати ва иродаси туфайли талофат камроқ бўлишига эришилди. Жумҳурият мелиорация ва сув хўжалиги вазири Рим Абдулович Гинатуллин, Урганч район ижроия қўмитаси раиси Эркин Абдуллаев, «Дўстлик» давлат хўжалиги директори Йўлдош Бахтибоев, бўрдоқичилик хўжалиги бошлиғи Ибодулло Сафоевлар туну кун иш бошида бўлдилар.

Оғир кунларда одамларнинг ҳиммати ва ҳамжиҳатлиги синовдан ўтади. Табиий офат қийинчиликларини енгишда қўшни Қорақалпоғистоннинг «Бўзатов», «Асбантой» ва «Рассвет» давлат хўжаликлари чорвадорлари, сув хўжалиги мутахассислари хоразмликлар билан қўлни қўлга бериб ҳамжиҳатлик қилдилар ва куч-ғайрат сарфладилар.

Алиовул имоми, 107 яшар Аҳмадхўжа ота аҳолига мурожаат қилиб одамларни сабр-тоқатли, бардошли бўлишга даъват этди. Унинг чақириғи билан саховатли кишилар хайр-эҳсонларини табиий офат юз берган жойда ишлаётган заҳматкашларга бахшида қилдилар, уларни, иссиқ овқат билан таъминладилар. Хоразм вилоят матлубот жамияти ҳам бу хайрли ишга ҳисса қўшди.

Энг қийин кунлар орқада қолди. Муваққат молхоналар қурилди, ўтовлар тикланди. Чорва молларига озуқа ташиб келтирилмоқда. Чорвадорларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш чоралари кўрилаётир. Табиий офат оқибатлари тугатилиб, «Қизилжар»да ҳаёт изга тушмоқда.

Фозил ЗОҲИД

Жумбоқ изидан

ҲАҚИҚАТНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИ

1990 йил бошида Ўзбекистон халқ депутатлигига 225-Нишон сайлов округидан район совети раиси Ҳайитмурод Фармонов билан Беруний номли давлат хўжалиги раҳбари Амир Тўраевнинг номзодлари кўрсатилди. Сайловга икки номзоднинг қўйилиши демократия шарофати эди. Ҳ. Фармонов район, вилоят миқёсидаги ташкилотларга етакчилик қилган, халқ хўжалиги тараққиётига меҳнати сингган одам. Қарши даштини ўзлаштиришга бошқош бўлган раҳбар сифатида уни бутун Қашқадарёдаги каттаю кичик яхши танийди. Қолаверса, ўша маҳал Фармоновнинг шогирдлари Нишон районидаги ташкилотлару даштдаги хўжаликларга раҳбарлик қилишарди. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан 18 январдаги сайловларда кўпчилик Ҳ. Фармоновга овоз берди. Ва ҳамма машмашалар шундан кейин бошланди. Аризаю шикоятбозлик авжига минди. Уч йил аввал бўлиб ўтган воқеа юзага қалқиб чиқди. Яхшиси, масалага ойдинлик киритиш учун ўша воқеани баён этайлик.

1987 йил 17 май куни. Ҳ. Фармонов директорлик қилаётган Усмон Юсупов номли совхоз техникуми талабаси Жовли Қораев ҳовлидаги дарахтга ўзини осиб қўйди. Бу ҳодиса, табиийки, нишонликларни ларзага солди. Биз ҳам бениҳоя азият чекдик. Шу воқеа юзасидан район прокуратураси жиноий иш қўзғади. Лекин тергов ишлари натижа бермади. Ва 1987 йил 1 июль куни (Қораев Жовлининг ўлимига ҳеч ким сабабчи бўлмаганлиги туфайли) жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилди.

1990 йил 20 апрелда уч йил муқаддам содир этилган воқеага яна қайтилди. Дастлаб жиноий иш билан Қашқадарё вилоят прокуратураси, сўнг Каттақўрғон район прокуратураси шуғулланса-ларда, натижа чиқмади. Кейин эса тергов қоғозларининг барчаси Самарқанд район прокуратураси терговчиси Икром Файзуллаевнинг қўлига тегди. Ана шундан сўнг Нишон қишлоқ хўжалиги техникуми ўқитувчилари, талабалари, ишчи-хизматчиларининг ва ҳатто ўқув юртини битириб жумҳуриятимизнинг турли чеккаларида ишлаётган мутахассисларнинг беҳаловат кунлари бошланди. Кўпчилик терговчи воқеани ҳодиса содир этилган жойда ўрганади, гувоҳларни сўроқ қилиб масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаган эди. Афсуски, у нишонликларни район билан Самарқанд оралиғида оворaю сарсон қилиб қўйди. Энг даҳшатлиси, И. Файзуллаев марҳумнинг арвоҳини чирқиллатиб қабрини очиб кўришга жазм этди. Шу орада Икром Файзуллаев ҳузурига жумҳурият Ёзувчилар уюшмасида ишлаётган Р. Ҳожимуродов келади. Терговчи бу йигитнинг содир этилган воқеа ҳужжатлари билан танишишига имкон яратди. Бироқ, жумҳурият прокуратураси терговчининг фаолиятини қониқарсиз, деб топиб, жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатди. Норозиликлар шундан кейин баттар газак олди.

Ўтган йили январь ойида ўша йигит марҳум Жовли Қораевнинг қариндошлари жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси раисига арз қилди, деб совхозимизга келди. 3—4 кун давомида совхозтехникум ўқитувчилари, талабалари билан суҳбатлашди. Афтидан, у мазкур жиноий ишнинг Бухоро вилояти Қизилтепа район прокуратурасида атрофлича текширилиб, бир неча бор ҳаракатдан тўхтатилганидан бехабар бўлган. Акс ҳолда у жумҳуриятимизнинг нуфузли ҳафтаномаларидан бирида «Қон рангидаги пуллар» мақоласини чоп эттирмаган бўларди.

Очиғи — бизнинг ҳафтанома раҳбариятига ҳам, мақола муаллифига ҳам ўпка-гинамиз, шахсий ғаразимиз йўқ. Аммо мақолада талабанинг ўлими учун Ҳ. Фармоновдан гумон қилинганлиги шу воқеадан хабардор нишонликларни таажжубга солиб қўйди. Уни ўқиган кишилар районда ҳақсизлик болалаб кетибдида, деган фикрга боришаяпти. Биз худди шу нарсадан норозимиз.

Нишонда мулоҳазали, ишбилармон кишилар кўп. Бундайлар бировнинг ноҳақ жабрланишига тоқат қила олмайдилар. Агар бирон-бир жиноят содир этилса, улар айбдорнинг топилишию воқеанинг ойдинлашувида терговга бажонидил кўмаклашадилар. Дарвоқе, жиноий иш Бухоро вилоятининг Қизилтепа районида прокуратураси томонидан қайта ўрганиб чиқилди, тергов ҳаракатлари яна натижа бермади. Терговчи А. Чўтбоев 1992 йил 10 январь куни ишни жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатди. Шу боис ғавғони болалатаётган, районидаги соғлом муҳитни бузаётган, Ўзбекистон халқ депутатига панадан туриб тош отаётганларга бефарқ бўла олмасликларини районимиз меҳнаткашлари сайлов туфайли изҳор этишганини эслатиб ўтмоқчимиз. Ҳатто мулоҳазали кишилар бу машмашаларнинг ортида совхоз директори (депутатликка номзод) Амир Тўраевнинг ўзи турибди, дейишаяпти. Биз бу гапларга ишонмаймиз-у, аммо шу ўринда ўз андишамизни айтиб ўтмасак бўлмас.

Ҳурматли Президентимизнинг ҳар галги чиқишларини мунтазам кузатиб, мулоҳаза қилиб борамиз. У киши ўз нутқларидан бирида одам ҳалол курашда енгилса, рақибига мардларча тан бериши керак, деган фикрни айтган эдилар. Биз Президентнинг оқилона бу сўзларини қўллаб-қувватлаймиз. Келинг, иш мобайнида бир-биримиздан ўтган гина-кудуратларни унутайлик. Аҳил бўлайлик. Онламиз, рўзғоримиз тўзимасин. Акс ҳолда ақлу заковатимиз, тадбиркорлигимиз синовдан ўтаётган бугунги кунда яккаланиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Т. ИСРОИЛОВ,
Ш. АҲМЕДОВ,
М. АЗИМОВ,
Ш. МАҲАДОВ,
Ҳ. НОРҚУЛОВ
ва бошқалар.

НАВБАТГА ТУРИШМАЙДИ, УЗОҚ КУТИШМАЙДИ

КОНИМЕХ. Марказий қўрғонда новвойхона очилди.

ЯРИМ автомат усулида ишловчи ускуналарда кунига 4500 донагача нон ёпилаётир. Бундан ташқари 7—8 хил нон маҳсулотлари савдога чиқарилаяпти. Туман марказида нонга навбатга туриш, узоқ кутишлар барҳам топса, ажаб эмас.

М. МАРДИЕВ.

Сайди УМИР

ШОХИГА УРСАНГ, ТУЁҒИ ЗИРҚИРАЙДИ

ЯҢИ, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ИНТИҚОМ ЭМАС, ИНТИЗОМ, АВЛОД ЛАР БИРДАМЛИГИ, ФУҚАРО ВА РАҲБАРИЯТ ЯКДИЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНМ ОҒИ ЗАРУР

Ўн олтинчи, ўн еттинчи январда, Қорақалпоғистонда сув тошқини бўлиб ўтган кезларда, Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида сабр тошқини юз берди. Нон олиш, топиш ниятидаги саъй-ҳаракат, ҳақли талаб, нарх-навонинг кескин ошишига қарши норозилик, қон тўкиш, таҳқирлаш билан якунланди. Шоирнинг бир замонлар битган «Нон дея, нон дея! Қон дея, қон дея босароқ кечмишдир» сатрлари янгича, машъум маъно қасб этди.

Гоҳ булутли, гоҳ очиқ, лекин аччиқ, изғиринли қиш ҳавоси. Қалин қор ёғишини, ислар босилишини кимлар жуда хоҳлашгандир ўшанда. Лекин қиш ҳам «қайсарлиги тутиб», адолатталаб бўлиб турибди, назаримда. Ўқдан бўшаган гильзалар, магазин, дўкон, ётоқхоналарнинг синган ойналари териб олинди, ярим тунда махсус машиналар сув сепиб, супуриб, сидириб қон, доғ изларини ювган бўлди. Лекин юзлаб, минглаб мурғак қалблардаги алам доғларини, чандиқ изларини ювиб, сидириб бўлармикан?

Фожиали тун, сергулу кун, тўс-тўполон оқрада қолди. Талабаларга яна навбатдан ташқари таътил берилди. Тинчи, уйқуси бузилган, не-не хаёлларга боришган, бўларича бўлган ота-оналар (келай деса... осмон йироқ, ер қаттиқ, чипта фалон пул, топиш ҳам қийин, бу ёқда тирикчилик машаққати) жигарбандларини оғушига олдилар. Энди дўппини ерга қўйиб, босиқ, вазмин фикр юритадиган, далиллару воқеаларни ақл торозусига солиб мантиқан таҳлил-тадқиқ этадиган пайт келди. Ҳиссиётларга, асабийликка берилмайлик, кетма-кет ундос, сўроқ аломатларига ружу қўймайлик, ғазаб отига қамчи босмайлик, миш-мишлару тахминлар асири бўлмайлик, пашшадан фил, филдан пашша ясамайлик. Бир адиб ёзганидек, «ҳозир биздан лозими вазминлик, вазминлик ва яна вазминлик. Бизга аниқлик, равшанлик керак».

Пойтахт фаоллари йиғилишини телевизордан кўрдим, нотиқларнинг, айниқса Президентнинг тўлқинланиб, ташвишланиб, бир қадар қизишиб гапирганини тушундим, бундай ҳолларда бошқача гапириш қийин бўлса керак.

20 январда жумҳурият раҳбарияти ТошДУга келиб, Маданият саройининг кичик залида университет фаоллари билан йиғилиш ўтказди. Э. Юсупов, М. Зоҳидов, Ш. Исматуллаев, С. Зайниддинов, М. Худойқулов, П. Ғуломов, Э. Умархоновлар Талабалар шаҳарчаси муаммолари ва бошқа масалалар ҳақида қуйиниб гапирдилар. Ғалаённи кўрган, кузатган, бевосита иштирок этган кишиларнинг нутқлари Президент, бошқа раҳбарларга вазиятни янада аниқроқ тасаввур этиш имконини берди назаримда. И. А. Каримов ёниқ, таъсирли нутқ сўзлади. У киши, жумладан, холис ният билан, юрагидан чиқариб, юзингизга, кўзингизга тик қараб гапирган одамга тан беражагини, маъмурий-қўмондонлик даврлари ўтгани, бу ерга кимларнидир жазолаш, пўстагини қоқиш учун эмас, дард-муаммоларни, танқидий мулоҳазаларни, таклиф-истакларни эшитиш, вазиятни юмшатиш, аҳволни ўнглаш мақсадида маслаҳатлашиб, кенгашиш ниятида келишганини айтди, бўлиб ўтган фожиа, кўнгилсиз воқеалардан четдаги ва ўзимиздаги ғаразли, аламзада унсурлар ҳодисани кўпиртириш, ваҳима, ғиғволар тарқатиш, сиёсий тус бериш, раҳбариятга ишончсизлик билдириш мақсадида фойдаланишаётганини, жумҳурият истиқлоли, истиқболи, миллат равнақи йўлида жипслашиш, гина-кудурат, майда-чуйда гапларни бир чеккага қўйиб бир ёқадан бош чиқариш ҳар қачонгидан ҳам зарурлигини таъкидлади. Университет ўқитувчилари, ходимлари маошини ҳозирча икки баравар ошириш, иккинчи кварталдан яна қайта кўриб чиқиш, имтиёзлар яратишга ваъда берди. Ғалаённлар сабабини аниқлаш учун, ҳукумат комиссиясидан ташқари жамоатчилик комиссияси тузилишига розилик билдирди. Президентнинг, хусусан, мен ҳам битта одамман, бир ёнким бор, ёрдамчиларим ҳамиша ҳам тўғри гапларни айтиб келишмайди, сизларнинг маслаҳатингиз, кўмагингизга муҳтожман, матбуот, радио, телевидениеда чиқинг, зарур гапингиз бўлса ҳузуримга келинг, ўзим бу ерга келишга вақт, имкон топилганига шукур қиламан мазмунидаги гаплари мажлис аҳлига айниқса таъсир қилди.

Раҳбарнинг амригина эмас, илтимоси ҳам вожиб... Ҳузурига бориб, қимматли вақтини олиб ўтирмайин-да, шахсий мулоҳазаларим, нуқтаи назарим, кўрган-кечирганларимни ташқаридан эмас, «ичкари»дан туриб холисона ёритиш, баҳолашга ҳаракат қилиб кўрай.

Ўз ҳақимда жиндай маълумот беришга зарурат бор чоғи. Йигирма тўрт йилдан бери дорилфунунда хизмат қиламан, журналистика факультети доценти, декан муовниман. Талабалар шаҳри ҳавосидан нафас олиб келаман. Кўп марталаб кечқурунлари талабаларимиз — ихтиёрий халқ дружинаси аъзолари билан ғалаён пайти уларни тирқиратиб қувган, калтақлаган, ўқ узган милиция ходимлари ишига баҳоли қудрат кўмак бериш учун кўчалар айланганмиз, осойишталикни сақлаганмиз. Журналистлар тайёрлашга имконим борича ҳисса қўшиб келаяпман. Шогирдларимиз орасида истеъдодли шоир, адиб, публицист, муҳаррирлар анча, арбоблар ҳам бор, бир қанчаси Президент маҳкамасида. Икки иждодий уюшма аъзосиман, китобларим бор, матбуотда чиқиб тураман. «Эрк»нинг ҳам, «Бирлик»нинг ҳам, ХДПнинг ҳам аъзоси эмасман, йигирма саккиз йил КПССда бўлдим, энди фаоллик даъвосини қилмай, партиясиз ҳам юрай, ким адолат, ҳақиқат йўлини тутса шулар тарафидаман. Талабаларни жон-дилимдан яхши кўраман, улар ҳам мени ҳурмат қилишади, деб ўйлайман. Айтгандай, Президентимиз билан тенгдош эканмиз, экватордан ўтганимга тўрт йил бўлди, хушомад, қўрқув ёшидан ҳам ўтдим, десам ҳақлиман.

«Туркистон» рўзномаси тўғри ёзганидек, «Фожиа юз бермаслиги мумкин эди». Бу фикрни давом эттириб айтадиган бўлсак, фожиа юз бермаслиги керак эди.

Талабага аввало нима керак? Энг зарур нарсалар: нон, чой, иссиқ овқат, иссиқ ўрин, нафақа (энди купони билан), китоб, дафтар, қалам, қилиқ ва самимий муомала, рост, ҳаққоний калом. 16 январь куни кечроққа бориб нон етмай қолди. Ёнма-ён икки дўконда сотилиб турган нон негадир тез тугади. Сотувчилар, бўлса ҳам, йўқ дейишдими, купон талаб қилишдими, ё ўзи оз келтирилганмиди, буни комиссиялар синчиклаб текширишлари керак. 89-ётоқхонадаги озиқ-овқат улашадиган дўкон ҳам нимагадир муддатидан олдинроқ бекитилибди, талабаларнинг илтимоси-илтижолари инобатга олинмабди. Бугундан қолган нарсаларни эртага бир неча баробар юқори нархда сотишмоқчи бўлиб шундай қилишди, дейишаяпти баъзилар, буни ҳам синчиклаб текшириш лозим.

Ҳар қалай, 16 январь кечқурун талабаларни кўчага бошлаган, «уюштирган» асосий унсур менга аниқ-аён. Бу — қорин. Оч қорин. Олдин қоринни қайғусини қилишди, кейин эса қадрнинг. Олдин қорнига йиғлашди, кейин қадрига. Сўз тартиби ўзгаришида катта маъно бор.

Талабалар ҳамжиҳатлиги, иноқлиги шаҳтёрларникидан кам эмас. Уларнинг яшаши бир хил, оч бўлса оч, тўқ бўлса тўқ. Уйдан келган нарсалар курсдошлар, жўралар, дугоналар ўртасида дарров «бир ёқли» қилинади, тумбочкадан эртага бирор нима топиш мумкин, индинга — худо пошшо.

Беш одам бир зумда элликта бўлиб қолади, беш дақиқада беш юзга етади, бир соатда қарабсизки, беш мингта одам тўпланиб турибди. Йигирма мингдан ортиқ талаба бир жойда ғуж жойлаштирилгани қанчалик ақлсизлик эканини эътироф этарканмиз, аччиқ ҳақиқатни ҳам тан олишга мажбурмиз. Аччиқ ҳақиқат шуки, 16 январга, эркин нарх-навога ўтилишига Талабалар шаҳарчаси, йигит-қизлар чўнтаги тайёр эмас эди. Ойлик нафақа икки баравар ошди дейилгани билан ҳали талабалар қўлига тегмаганди, нарх-наво эса уч-тўрт, ҳатто беш-олти баравар сакраб кетди («бир котлетни саккиз сўмга олибман, қорнимнинг қаеригa кетди, билмайман», дейди бир толиб). Аксига олиб купонлар ҳам ҳаммага тарқатиб улгурилмаган, сотувчилар эса купон талаб қилишарди. Баъзилар ортиқча нархда купон сотиб олишибди, лекин бу орада нон тугаб бўлган эди. Тушунтириш ишлари яхши олиб борилмаган, деган гапда жон бор, лекин бу манзарани тўлиқ очиб бермайди. Ҳозир «шуқулланганмиз», «тадбирлар кўрганмиз», «хабар берганмиз» дея айбни ўзидан соқит қилувчилар, «стрелкачи»ни қидирувчилар, лавозими ўзидан юқорида-гиларга тилёғламалик, пастдагиларга ғазаб, дағдаға қилувчилар йўқ эмас. Одатдагидек, ҳамма барча нарса билан шуғулланган, лекин ҳеч ким аниқ бир нарса билан жиддий шуғулланмаган. Талабалар шаҳарчасига (эҳтимол бошқа жойларга ҳам) теккан касал ўзи. Кўза сингач, воқеа бўлиб ўтгач, ҳаракатга тушиб қоламиз, шошилинч чоралар кўрамиз, айбдорларни жазолаймиз, штаблар тузамиз, штатлар ажратамиз, мурожаатлар қабул қиламиз. Ун беш кун, бир ой ўтгач, бари яна асл изига тушади: эски ҳаммом, эски тос.

Талабалар шаҳарчасидаги ишни тубдан ўзгартириш, олти йил умр кўриб оламдан ўтган, унутилаёзган иборадан фойдаланиш жоиз бўлса, қайта қуриш керак (яқиндаги матбуот конференциясида Талабалар шаҳарчаси муаммоларини кўп ёритган «Ёш ленинчи» (ҳозир «Туркистон») рўзномаси муҳаррири, биз журъатли, изланувчан журналист дея мақтаб, фахрланиб юрадиган шогирдимиз Жаббор Раззоқ айнан шу мавзуда савол берди, кўтарган муаммоларини Президентимиз тўла қўллаб-қувватлади, (муҳаррирнинг ўн саккиз банддан иборат таклифлари эълон қилинди). Бу шаҳарчада жумҳуриятимиз, шунингдек, қардош, ҳамдўст жумҳуриятлардан, хорижий мамлакатлардан келган минглаб йигитлару қизлар таҳсил олишади, жамоатчилик фикри энг олдин шу ерда шаклланади, ўзига хос барометр иқлим ва қайфиятни аниқ кўрсатиб туради. Турли тоифадаги, лавозимдаги раҳбарлар бу ерга тез-тез келиб туришлари, машиналарда шунчаки айланмасликлари, ётоқхоналарга киришлари, толиблар билан дилдан самимий суҳбатлашишлари, юзма-юз мулоқотдан, баҳс-мунозарадан чўчимасликлари керак. Сиз уларни танисангиз, юрагингизни очиб гаплашсангиз, сизни ҳам танишади, дилларини очишади. Саломга яраша алик олинади, танимасни сийлашмайди. Сиздан ўгина, биздан бугина. Хуллас, бунда ҳам бозор муносабати.

Ун олтинчи январь кечқурун бошланиб, алламаҳалгача давом этган ғалаён тафсилотларини ўнлаб, юзлаб иштирокчилар ҳикоя қилиб беришади, кўплаб ҳужжатлар йиғилади, аниқ манзара тикланади, айбдорлар аниқланади, жазосини олади, албатта. ТошДУ журналистика факультети кечки бўлими 6-курс талабаси, Ўзбекистон радиоси мухбири Абдуқаюм Пардаевнинг ҳикояси айниқса батафсил ва ишонарлидир. Биринчидан, у ўша куни тўс-тўполоннинг ичида бўлган, иккинчидан эртаси куни мухбир сифатида (ҳамкурси, ҳамкасби Зариф Мирзақулов билан бирга) радиорепортаж тайёрлаган, кўп саргузаштларни бошидан кечирган, фуқаро кийимидаги орган одамларидан сўкиш эшитган, икки тепки еган, номерсиз «Нива»га ўн беш минутлар қамаб қўйилган, ўзи, уйдагилари, радиоэшитувчилар бахтига, уввало тушунтиргач, ялингач, бўшатиб юборилган.

«Репортажим 19 январь соат 15 да «Машъал»дан кэтди, 17-куни 5-ётоқдан ёзиб олган эдим, — дейди Абдуқаюм. — Дарҳол қўнғироқлар бўлибди, раҳмат, бор эканслар-ку дея. Репортерим доим ишлаб турувди-да, бахтимга чўнтакларимни пайпаслашди-ю елкамдаги «нон халтам»га қарашмади. Ҳамма нарса қий-чувлар ҳам, гап-сўзлар ҳам, сўкиш-ҳақоратлар ҳам ёзилиб қолган. Мени урган, сўкканларни кўрсам танийман. Оқ, қизил «Жигули»лар номерлари ёдимда, бошлиқлардан бўлса керак. Бошлиқларики шундай бўлса, қўл остидагиларни тасаввур этаверинг. Ўзи ўша куни кечга томон икки қаватли ошхонага овқатлангани борувдим. Бир йигит олган овқатни йигирма икки сўм эканини билиб, тўламай шундай ташлаб кетди. Бир пайт нон дўкони олдида шовқин-сурон бўлиб қолди. Беш-олти дақиқада юзтача одам тўпланди. Бирон соат ичида беш-олти мингга етдиёв. Куртка кийган ёши катта бир бола, бундан кўра очдан ўлган яхши, кетдик, Қизил майдонга дея Чимбой томонга бошлади, раҳбарлар ва Президент келсин, кўрсин дея дам-бадам ҳайқириб турди. Қий-чув, тўполон. Бир подполковник мегафондан «Орқага қайтинглар, болалар, 50 машина озиқ-овқат келди, тартибни бузманглар!» деб хитоб қилди, лекин ҳеч ким қулоқ солмади, ишонишмади шекилли. Негаки бу вақтга келиб томонлар ораси бузилиб бўлган эди. «Ур!» деган хитоблар янграб турди. Бирон соатлардан кейин олий таълим вазири Ш. Алимов келди. Бештача бола гапирди, талабларни айтди. Афсуски, вазирни гапиртиришмади, хафа бўлиб тушиб кетди. Кейин кимдир оқимни ТошМИ томонга бошлади, йўл-йўлакай одам қўшилиб, кўча тўлиб бораяпти. Мен кинотехникумда ўқийдиган укамни ўйлаб оқимда елиб-сузиб боряпман. Безори болалар светофорларга тош отиб синдиришди, геологоразведка техникумида бир занжиннинг, икки шаҳарликнинг оқ «Жигули»ларини устидан босиб, пачақлаб ташлашди, магазинларнинг ойналарини синдиришди. «Милиция!», «Омончилар!» деган овоз эшитилди. Оқим яна орқага қайтди. Нефть-газ факультети қаршисида кўчада омончиларни кўрдик. Ҳориган, очиққан болалар нияти тарқаб эртага давом эттириш эди. Каска кийган, қалқонли йигитлар. Йўлни тўсиб туришибди. Чекиниб турингилар, ўтиб кетайик, дейишибди йўлбошчилар. Масофа ўн метрлар қолганда кимдир «От!» деган команда берди. Буни ҳеч ким қутмаган эди. Ҳамма ҳар ёққа тумтарақай қочди. Мен ўзимни техникум томонга урдим. Миршаблар руҳланиб, қувиб, отиб боришаяпти. Устига тош ёғилаётган бўлсада, қўли баланд-да, қалқони, каскаси бор. Бир қанча ётоқхоналар олдида тўқнашув, тошбўрон кучли бўлди. Кўп деразалар ойнаси чил-чил синди. Соат ўн иккиларда омончилар физкультура институти ётоқхонасини ишғол қилдилар. Кучли, чаққон йигитлардан зарба ҳам едилар, лом билан урилгани ҳам бўлди».

Бу — бир кишининг кўрган-билганидан айрим парчалар. Лекин шу ҳам фожианинг миқёси, даҳшатини айтиб турибди. Ақл бовар қилмайдиган, этни жунжиктирадиган, лабга учуқ тоширадиган бундай қонли фожиалар қанчадан-қанча. Талабалар ўқ овозидан саросимага тушиб қочган сари омончилар жазавага тушиб қувишган, одамларга, ётоқхона, балконларга қарата отишган. Санжар Боражабов ҳам 24-ётоқхона олдида қочаётиб ўқ еган. Омончилар 89-ётоқхонанинг эшикларини бузиб киришган, қизларни уришган, ҳатто кўзи ожиз бир йигитни ҳам аяб ўтиришмаган. Маниқурт ҳақида китобларда ўқиган, кинолларда кўрган филологлар кўзи қонга тўлган, оғзидан бадбўй ҳид келиб турган, заҳил башара маниқуртлардан қалтак еган, таҳқирланган.

Икки томондан ҳам ярадор бўлганлар, жароҳатланганлар, касалхонага тушганлар бор, буларнинг бари аниқланади.

Карс икки қўлдан чиқади. Беш бармоқ баробар эмас. Талабалар ичида ҳам тарбияси нобол, оғзидан чиқадиган сўзга, қиладиган хатти-ҳаракатига ҳисоб бермайдиган, жаҳнали сотиб оладиган, жоҳил, жангарилар йўқ эмас, албатта. Тирраки бир бузоқ бутун бир подани бузади, бундайларнинг ножўя ҳаракатлари дарҳол кўзга ташланади, вазиятнинг кескинлашиши, тартибсизлик, ғалаённлар бўлишидан Бир нарсага ҳайронман. Нега нон етмай, кўпларда купон бўлмай қолган ўша кеч энг аввал Президент келишини, жавоб беришини, истеъфога чиқишини бетўхтов талаб қилишди? Нарх-наво ошиши маълум эди-ку. Нега бевосита мутасаддиларни, район раҳбариятини, шаҳар раҳбариятини сўрашмади? Шаҳар ҳокимини ҳам ора-сира сўрашдию, нима учун асосан Президент келсин дея туриб олишди?

Тўғри, Президент бутун жумҳурият, унинг фуқароси тақдири учун масъул шахс. Бошида минг бир ташвиш. Ҳозир ундан иқтисодиётимизни ўнглаш, собиқ СССРга кирган жумҳуриятлар билан тенг, хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатиш, ўз пулимиз, армиямизга эга бўлиш, БМТга аъзоликка кириш, пахта яккаҳокимлигига чек қўйишни давом эттириш, экологик муаммоларни ечиш, демократия, ошкораликка кенг йўл очиб бериш каби йирик, салмоқли муаммоларни дадил қўйиш, ҳал этишни талаб қилиш жоиз эмасми? Бепарво бўлиб уйимни ремонт қилмасаму томимдан чакка ўтса «Президент қаёққа қарайди?» десам, вақтида пулини тўламаганингиз учун телефонингизни узиб қўйишса «Президент қаёққа қарайди?» десангиз, кимнингдир оёғига тикан кирса, қаергадир вақтида нон, сут келмаса Президентдан кўрсак — бу энди инсофдан эмас. Ўша куни талабалар бевосита мутасаддиларга, маҳаллий раҳбарларга мурожаат этишмаганига келсак, ўйлайманки, ё уларни яхши танимайдилар, ё ишонишмайди. Ҳокимга, Президентга гина-кудуратини ифода этишган ё қутқу таъсирига тушишган бўлишлари ҳам мумкин. Ўпкалаган қариндошдан умид, деган гап бор. Бошқалар андиша қилган, эҳтимол, чўчиган бир мулоҳазани айтай. Талабалар сайлов, референдум арафасида юзма-юз гаплашайлик, дард-муаммоларимиз, таклиф-истакларимизни айтайлик дея ҳокимни, Президентни кутишди, кўп кутишди, лекин улар келишмади. Эҳтимол, Президент бениҳоя бандлигидан вақт тополмагандир, лекин ҳокимликка номзод келиб учрашиши, эшитиши керак эди. Келмади. Талабалар ҳафсаласи пир бўлди.

Ўқ узишга ким фармойиш берди? Фармойиш берганлар кимдан фармойиш олдилар? Нега миршаблар ўзларини бу қадар эркин тутишди? Омончилар не сабабдан инсон зотини пашшадай кўришди? Бу саволлар ҳамманинг, ҳар бир кишининг бўғзида тиқилиб, жавоб кутиб турибди. Ҳукумат комиссияси, жамоатчилик комиссияси энг аввал шуни аниқлашлари керак.

Ҳар қанақа бўлганда ҳам ўқ узилмаслиги шарт эди. Фармон берилмаслиги лозим эди. Жанговар қурол ишлатилганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Машиналар пачақ бўлгани — ёмон, ойна, эшиклар синганги — ёмон, ҳечдан ҳеч қалтак еб, жароҳат олиш алам қилади. Айбдорлар жазо олар, синган нарса бут бўлар, лекин инсон ҳаёти олдида темир, шиша нима деган гап! Ўлган одамни тирилтириб, ота-она, жигарбандлар алами доғини ювиб, синган кўнгил шишасини тиклаб бўлмайди. Афсуски, анча-мунча талаба, миршаб соғлиғини йўқотади, оиласига, жамиятга тўлиқ хизмат қилолмайди, кутганича наф келтиролмайди. Бутун фожиа мана шунда. Тартибсизлик, ғалаённи бостиришнинг турли йўллари, босқичлари бўлгуси эди: огоҳлантириш, пўписа қилиш, шиддатли сув оқимини йўналтириш, боринги, кўзни ачиштирувчи газ ишлатиш, дубинка билан урган бўлиб ҳайдаш. Қуролланган, ашаддий бандит, каллакесарлар бўлса, огоҳлантиришга қулоқ солмаса бошқа гап, ўзга илож қолмайди. Энг сўнгги, фавқулодда тадбир, афсус-надоматлар бўлсинким, энг бошда қўлланди.

Ун еттинчи январь эрталаб шаҳарча ётоқхоналари бузилган ари уяларини эслатарди. Талабалар эшиклари бузилган, ойналари синган ётоқхоналари олдида қарахт бир алпозда туришарди. Аста-секин ўзларига келишди, ноҳақ ҳақоратланган, калтакланган филолог қизларга ҳамдардлик изҳор қилишди, 22-ётоқхонага бориб, Санжар Боражабов хотирасига тиловат бағишлашди. Сўнг катта кўчага бирин-кетин оқиб кела бошлашди. Шу куни Студентлар (собиқ Чимбой) кўчаси самолёту вертолётдан туриб қаралганда тўлиб, пишқириб оққан Амударё (Жайхун)ни эслатган бўлса ажаб эмас. Мен беихтиёр Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деган пурмаъно сўзлари тасдиғини кўрдим. Кимнингдир қора рўмоли қора байроқ янглиғ хилпираб қора кунни, мотамни эслатиб турди. Талабалар саккиз банддан иборат талабнома ёзишди. Унда, жумладан, ўқ узишга фармойиш берган ва ўқ узганларни аниқлаб шаҳарчада очиқ суд қилиш, ушлаб олиб кетилганларни зудлик билан қайтариш битилган эди. Қон босими ошиб кетиб энди стационарга жойлашган ТошДУ ректори Э. Юсупов кечроқ бўлса-да воқеаларга аралашди, 17-да эрталабдноқ қамалганларни бўшатиш ҳаракатига тушди, кейин келиб улар озод этилганини айтди. Лекин халойиқ кўз билан кўрмагунча ишонмаймиз дея туриб олди, гапиртирмади, шаҳар ҳокими, жумҳурият прокурорининг ҳам ҳурматини жойига қўйишмади. Асаблар таранг, ғазаблар жунбушга келган пайтда бундан бошқасини кутиш ҳам қийин эди. Узбекистон халқ депутатлари Марат Зоҳидов, Муҳаммад Солиҳ, шаҳар совети депутати Шуҳрат Исматуллаев, доцент Абдуманноп Пўлатов, ёзувчилардан Аҳмад Аъзам, Мукаррама Муродова ва биз кўрган-кўрмаган, истиқлолимиз учун куйинувчи, қурашувчи, диёнатли одамлар тўлиб, ғазабнок бўлиб турган талабаларга тартибни сақлаш, оғир бўлиш, ҳиссиётларга берилмаслик, ғиғволарга учмасликни дам-бадам таъкидлашди. М. Зоҳидов хабар топиши билан етиб келди, туну кун оёқда турди, елиб-югурди, яқинда онаси қазо қилган Ш. Исматуллаев ўз дардини унутиб шогирдлари, сайловчилари ҳузурига ошиқди. Муҳаммад Солиҳ, «Эрк» партияси раислигидан ҳам кўра кўпроқ профессорлар мавзеидан сайланган депутат сифатида гувлаган ёшларни тинчитишга ҳаракат қилди, деб ўйлайман. Уша куни «Эрк»нинг кўп фаолларини кўриб, суҳбатлашдим. Улар жумҳуриятимиз шаънини ерга урадиган бу фожиадан чуқур изтиробда эдилар. Осойишталикка чорлашди, жон куйдиришди. Айни чоғда бир мулоҳаза-андиша жараёнга янада фаол аралашишдан тийиб турарди чоғи. «Ишқилиб бу нарсалар «Эрк»ка ёпиштирилиб, айбсиз айбдор бўлиб қолмасак эди», — дейишди фаоллардан Азиз Саид, Назар Эшонқулов. (Хайрият, Президентимиз кейинги нутқлари, саволларга жавобларида «Эрк», «Бирлик» жумҳуриятимиз мустақиллиги, миллатимиз равнақи йўлида яхши ишлар қилишаётганини айтиб, Муҳаммад Солиҳ унга табрик йўллаб мардлик кўрсатганини айтиб, ўрмалаши мумкин бўлган миш-мишларга чек қўйди).

Қуш, паррандалар калхат ҳужумини ё бошқа хавф-хатарни сезишса, полопонларини қанот остига оладилар ё узоқ кетолмай, айланиб юрадилар. 16—17 январь, машъум тун ва кунда талабалари ёнидаги олийгоҳ ўқитувчилари, раҳбарларини кўрган кишининг хаёлига беихтиёр шу қиёс келарди. Шарқшунослик институти проректори Ришад Набиуллин ётоқхона эшиги ёнида маҳкам туриб олди. Спорт мастери, қуролсиз олишса ҳам беш-олтитасини йиқитадиган одам, бир-икки калтак есада, оғирлик қилди, чидади, лекин ичкарига киритмади; ТошДУ геология факультети декани Анвар Жўлиев ҳам қўлидан келганча қаршилик кўрсатди. Меъморчилик-қурилиш институти ректори 5-ётоқхона олдида жароҳатланиб ётган талабалари А. Бобоқулов, Н. Норов, Қ. Ортиқов, Б. Тўйчиевларни кўриб ҳушидан кетаёзди, кейин ўзини тутиб олиб, «ОЗ»га қўнғироқ қилди, бош бўлиб касалхонага жўнатди. Автомобиль йўллари институти раҳбарияти 6-ётоқхона олдини машиналар билан тўсиб, ҳеч кимни ўтказмай туришди, бир қанча ўқитувчилар, ходимлар калтак еёишди, жароҳат олишди. Бундай мисоллар кўп. Ҳақиқий тарбиячи шундай бўлиши керак. Шаҳарча ва талабалар нотинч бўлиб турганда ўзининг тинчини кўзлаб, уйида бемалол оёқ узатиб, чой ичиб ўтирган, эшитиб эшитмаганга, кўриб кўрмаганга солган, ишини дарс беришу маош олишдан иборат деб билган лоқайд домлаларнинг виждони қийналсин.

«Табиат бўшлиқни ҳазм қилолмайди. Ялангликлар ўт билан қопланади. Кўпроқ ёввойи ўт, сассиқ алаф билан. Айтмоқчиманки, ахборот бўлмаган жойда мишмишлар унib-ўрмалаб чиқади. Бизда фойдали миш-мишлар бўлмайди. Миш-мишлар фақат зарарли бўлади». Машҳур публицист Анатолий Аграновскийнинг бу сўзлари бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Ҳозир ҳар кимнинг оғзида ҳар хил гап: шунча одам ўлганмиш, шунча ярадор бўлганмиш, мунчаси касалхонада, мунчаси қамоқдамиш, рақамларни камайтириб кўрсатишганмиш». Бекор айтибсиз деёлмайсиз, қўлингизда аниқ маълумот, далил йўқ. «Марказий» матбуот ошириб ёзади, ТСН ваҳима қилади, ўзимизникилар кўпроқ сукут сақлашади. Оммавий ахборот воситаларини чеклаш, маълумотларни бекитиш — ишончсизликни ошириш демак. Бу аччиқ ҳақиқатни очиқ тан олайлик. Ғалаён бўлди, одам ўлди, ярадор бўлди, қамалди — шаънимизга доғ тушди. Оз одам ўлди, яраланди десак — озроқ, кўп десак кўпроқ деб ўйлаш — мантиқсизлик. Ҳеч нарсани яширмайлик, токи бу шармандалик минбаъд такрорланмасин. Шаҳидларнинг ҳурматини жойига қўяйлик, яраланган, жароҳат олганларни касалхоналарга, уйларига бориб кўрайлик, малҳам бўлайлик. Касалхоналарда ярадорларни кўриш терговчилардан бошқасига таъқиқланганини эшитиб ҳайрон бўлдик. Улар керакли, эҳтимол, ўзларига маъқул кўрсатмаларни олиб олишсин, кейин майлими? Техника университети самолётсозлик факультети 1-курс талабаси Акмал Норовга, оёғим спорт залида, машқ қилаётганимда синган, дейсан, акс ҳолда ўқишдан ҳайдаласан дейишибди. Бола пақир, кўрқаниданми, оғриқ азобига чидай олмайми, шундай ёзиб бергانмиш. Ҳолбуки, Президент, бу ерда талабаларнинг айби йўқ, улардан бирортаси ҳам ўқишдан ҳайдалмасин, деди. Афтидан, гап чуваланмаслиги, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолишидан кимлардир манфаатдор, шекилли. Эс-ҳушли, армия кўрган, адолатталаб толиблардан эшитдим: айбдорлар бирма-бир аниқланиб жазоланмас экан, бундай тўполон қайтарилмайди деб ҳеч ким ваколат беролмайди, болаларнинг алами, ғазаби ичида.

Бу замон — ахборот замони. Ахборот— бамисоли кўзадан чиқиб кетган жин, яна тутиб, қамаб бўлмайди. Касални яширсак, иситмаси ошкор қилади. Ҳозир ҳамма бор нарсадан хабардор — ўқийди, эшитади, кўради. Қўй боқиб юрган чўпон бемалол «Озодлик»ни эшитади. Мен, кўрган-билганларим билан чоғиштирдим — бариси: қий-чув ҳам, ўқ овозлари ҳам тўғри, холис. Маҳобат, ваҳима, ахборот воситаларидан авло, мустақиллигимизга кувонади, қийинчиликларимизга куйинади, қадриятларимизни тарғиб қилади. Хорижий ахборот воситаларига энди эски андоза-қолиплар асосида қарамайлик, Америка яхши экану «Америка овози» ёмон, нуқул ёлғон гапиради демайлик. Ёлғон ҳамма жойда ҳам бекадр, ёлғон билан у ерда ҳам пул ва обрў топиб бўлмайди. «Озодлик» радиостанцияси Талабалар шаҳарчасидаги ғалаён ҳақида бир қанча мамлакатлар ахборот воситалари маълумот бергани ҳолда жумҳуриятда, «Туркистон»дан ташқари бошқа рўзномалар, жумладан «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» бошда сукут сақлашганини рўй-рост айтди.

Ун саккизинчи январь эрталабки «Ассолому алайкум» кўрсатувини таниш диктор табассумидан нур ёғилиб «Мустақил жумҳуриятимизда яна бир мусаффо тонг» отди, сўзлари билан бошлади, кейин Ҳайрулла Лутфуллаев ашула айтди, раққоса хиром этди. Шу пайт бошқа бир Ҳайрулла Убайдуллаев, ТошДУ талабаси ўн уч ўртоғи билан университет майдонида, Қозон университети толиби Ульянов (Ленин) ҳайкали пойида бедодликка чек қўйиш, ўқ отишга буйруқ берганларни топиш, қамалганларни тезда бўшатиш, телевидениеда ўрин-ажратишни талаб қилиб очлик эълон этишган эди. Гап бу ерда хушовоз хонанда, моҳир раққоса устида эмас, телерадиокампаниянинг янги раҳбари, миллатпарвар, журъатли Эркин Ҳайитбоевдан ҳозирча ўпкалаш инсофдан эмас, унинг ўринбосари собиқ талабамиз Жаҳонгир Маматовнинг дадил гаплари ишларига ҳамоҳанг келади дея умидвормиз. (Кейинги «Юзма-юз», «Муносабат» туркумми буни исботламоқда.) Бошқалар, муҳаррир, техник ходимлар қаерда эдилар? Аза кунлари кўнгилга ашула, ўйин сиғмайди, хазин куй чалинади. Ўш фожиалари кунлари экранларимизда қўшиқ, рақсларни кўриш, «Оқ уй» ёнида мамлакат тақдири ҳал бўлаётган кезларда «Ўртоқ Геннадий Иванович Янаев айтганларидай» деган мулозаматни иккинчи бор эшитиш қанчалик оғир таъсир этганини унутмайлик, ахир!

Очлик эълон қилганлардан ўн учтаси журналистика, бири биология факультетидан. Улар адолатпарвар, инсонпарвар, эътиқоди баланд йигитлар, миллатимиз келажаги. 17 январь кечаси кўпни кўрган қоровул Шораҳмад ака Хўжааҳмедов: «Домлалар, миршабларга эзиҳор ишингиз тушмасин, менинг ишим тушиб кўрган, кўнглим сезиб турибди, айби бўлмаса ҳам буларни олиб кетишади, келинг, ичкарига олайлик» деб қўярда-қўймай вестибюлга киритиб, эшикларни қулфлаб қўйди, меҳрибончилик қилди, ярим кеча келган одамларга очмади. Эрталаб оч, совқотган болаларни чиндан ҳам олиб кетишди. Ярим кун деганда, хайрият, қайтариб олиб келишди. «Шуқулланган», «тадбир кўрган»лар анча бўлди, лекин амалий ёрдам қилганлар қуйидагилар: олий таълим вазири Ш. Алимов, халқ депутати М. Зоҳидов, журфак декани Б. Мамутов, декан муовини Р. Алимов, 5-курс толиби Ҳ. Саидов, ички ишларнинг бир-икки тушунган, барака топқур ходими. Демократия, ҳуқуқий давлат ҳақидаги гапларга бир далил бу.

«Бу фалокатлар келмаганда бунчалик бўлмасмиди, — дейди таассуф билан академик Э. Юсупов. — Фалокатни даф этиши керак бўлганлар (аввал махсус боскин гуруҳи, эртаси омончилар) фалокат келтирувчилар бўлиб чиқди».

Кейинги пайтларда Талабалар шаҳарчасида шоирнинг «Менинг милициям — менинг қўриқчим» сўзлари масхараомуз маъно касб этадиган бўлиб қолди. Бу ерда таниш-билишларни учратиб қолсангиз «эсонмисиз» денгу «омонмисиз» дея кўрманг, кўнглига олиш мумкин.

Оталаримиз уруш жангоҳларида қон кечишган, оналаримиз меҳнат жабҳаларида жон фидо этишган, биз, уларнинг ворислари, фарзандларимиз — талабаларимиз ўқишини ўйлашимиз, осойишталигини сақлашимиз керак.

**СУНГСЎЗ. Ушбу мақола ёзилиб, таҳририятга топширилганига бир ҳафтача бўлди. Халқимизда тартиб, сабрга даҳлдор «Тегирмон навбати билан» деган яхши нақ

Пойтахт ҳаёти

ҲАР ЧОРШАНБА — САВДО

ЎЗБЕКИСТОН деҳқончилик саноат биржаси 1 миллиард сўмликдан зиёд пахта, пилла, қорақўл ва бошқа кенг истеъмол молларини навбатдаги савдога қўйди. Биржа раҳбарларининг айтишича, 29 январдан бошлаб ҳафтанинг ҳар чоршанбасида савдо ўтказиш режалаштирилди.

БАСТАКОР ҚУШИҚЛАРИ КУЙЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН бастакорлар уюшмаси, мусиқа жамоатчилиги таниқли композитор, мураббий Султон Анваров таваллудининг 50 йиллигига бағишланган кеча ўтказди. Собир Раҳимов районидаги 29-мусиқа мактаб зали ўқувчилар, шинавандалар билан лиқ тўлди. Кечани республика бастакорлар уюшмаси раиси Аҳмад Жабборов очиб, мураббий бастакор ижоди, у яратган қўшиқлар ҳақида тўхталди.

Кечада Клара Жалилова, Муҳаббат Шамаева, Сора Тошматова сингари таниқли санъаткорлар мусиқа мактаби ўқувчилари бастакор яратган қўшиқлардан ижро этишди.

САВОБ ҲАМ КЕРАК

КАМБАҒАЛНИ туяни устида ҳам ит қопади деганлари рост экан. Бозор иқтисодиёти энг аввало болалар уйларига зарба урди. Буни Акмал Икромов районидаги 2-ногирон болалар уйи мураббийлари шу кунларда яққол сезишаяпти.

Ногиронларнинг кирчирлари ювиладиган махсус хона қуришга киришилганди. Бироқ бино деворлари ярим кўтарилганда қурилиш ашёлари тугаб, қурувчилар кетиб қолишди. Ўшандан буён уч-тўртта қурилиш ташкилоти келиб кетди. Ғишт, бетон плиталар, шифер, кошин, қувурлар тақчиллиги туфайли иш тўхтаб қолган жойидан жилмаяпти.

Йирик корхоналар, ширкатлар ногирон болаларга раҳм қилишса, савоб бўларди.

И. ТОШЕВ.

Болалик — подшолик!
С. МАҲҚАМОВ сурат-лавҳаси.

ХОРАЗМДА ЯНГИ ОЙНОМА

Урганчда «Хива» деб аталган адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий, чиройли қилиб безатилган ойноманинг биринчи сони босмадан чиқди. Унинг муассиси Хоразм вилоят ўлкашунослар жамиятидир.

Хоразмда чиқарилаётган дастлабки ойнома ўлка тарихи, унинг кўхна маданияти, воҳада яшаётган кишиларнинг ўзига хос маънавий фазилатларини тиклашга кўмаклашиши лозим. Ойномада машҳур Хоразм мақомларини ўрганиш ва уларни халқ орасида кенг тарқатишга катта аҳамият берилади.

— Ойномани ташкил этиш билан боғлиқ кўплаб қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди,—дейди ойнома бош муҳаррири — вилоят ўлкашунослар жамиятининг раиси, шоир ва журналист Неъмат Салоев. — Ҳозирча ойноманинг нархи 3 сўм қилиб белгиланди. Лекин бу сарф-ҳаражатларни қопламайди. Аммо биз доимий ҳомийларимизни топиб олдик. Улар Хива районидаги Беруний номли колхоз ҳамда Хавза сув хўжалиги бирлашмасининг «Амударё» кичик корхонасидир.

(ЎзТАГ мухбири)

Илья ВАРШАВСКИЙ

ЭЛЕКТРОН ҚОЗИ

Фантастик ҳикоя

Шафқатсиз жазо кутаётганига имоним комил эди. Негаки, мен Олий Электрон қози ҳукмига ҳавола этилган биринчи айбланувчи эдим.

Сўроқнинг дастлабки дақиқалариданоқ ёлғон гапириш ёки чалғитишга уриниш бефойда эканлигини англадим.

Кишини эсанкиратиб қўяр даражада даҳшатли тезлик билан ёғилаётган саволлар дўлидаги ботиний тузоқлар мени тобора ўз комига тортиб борарди. Айёр темиртан бир-бирига зид кўрсатмаларимни таҳлил қилиб, оний дақиқаларда янгидан-янги ўргимчак тўрларини тўқиб ташларди... Ниҳоят, курашишга ортиқ мадорим қолмади. Оғир жиноятга қўл урганимга иқрор бўлдим. Терговчи узоқ вақт мобайнида юзма-юз қилишлар, дўқ-пўписалару алдовлар орқали эришолмаган эътирофни Электрон қози бирпасда жисмимдан суғуриб олди-да, гувоҳларга руҳсат берди. Қози билан ёлғиз қолдим.

Менга сўнгги сўз айтиш ҳуқуқи берилганди. Буни хўжакўрсинга қилинган расмиятчилик деб билардим. Ҳиссиз темиртандан ниманиям сўраш мумкин? Кечиришними? Шубҳасиз, унинг дастурида бундай тушунчанинг ўзи йўқ.

Шу билан бирга сўнгги сўзимни айтмасам, темиртан ҳукм чиқармаслигини, демак, қамоқхонанинг пўлат эшиклари очилмаслигини яхши билардим. Бу — қонун талаби эди. Ва умримда биринчи бор тавба-тазарру қилдим.

Мен каталакдай ертўлада, бир уюм эски латта-путталар орасида ғимирлаб юрган маймунбашара чурвақалар, оғир жисмоний меҳнатдан адойи тамом бўлган, фарзандларининг қорнини тўйдиролмаганлик азобидан қуйиб кўмирга айланган аёл хусусида сўзладим.

Сўнг ўша маймунбашара арвоҳлардан омон қолганларидан бири сал каттаргач, сассиқ ювиндилар ичидан егулик нарсалар топиб юрганлигини, саёқ итдай умри кўчада ўтаётганлигини, ниҳоят, жиноятчиларнинг разил гуруҳи уни ўз сафига олганлигини гапирдим.

Ҳаммасини тўкиб солдим: измидан оғишмайдиган қулга айлантириш учун манфур тўдадагилар ўн ёшимдан менга зўрлаб наша чектиришганини, бўйсунмаганимда шафқатсиз тарзда калтаклаганларини, покиза ҳаёт ҳақида чеккан армонларимни, қамоқхонани, бесамар иш излашларимни, яна ва яна ҳибслару бадбўй хоналарни...

Эндиликда айтган гапларимни эслолмайман. Эҳтимол, мендан тинмай пул талаб қиладиган, буюруғини бажарган тақдиримдагина ҳақиқий муҳаббат нелигини бир умр билмай ўтаётган мендай сўқир бандага суйкалиб қоладиган очкўз аёл ҳақида ҳикоя қилгандирман...

Сўнгги сўзимни тугатдим. Ҳаётимда биринчи бор кўзларимдан дувиллаб ёш оқарди...

Темиртан жим, фақат манглайида даврий тарзда ёниб-ўчиб турган чироғигина унинг таҳлилни давом этираётганидан дарак бериб турарди.

Назаримда, темиртаннинг иш мароми сўроқ пайтидагига нисбатан ўзгаргандай бўлди. Энди унинг кўксидаги пирпираб турган чироқларида менга нисбатан ҳамдардлик зоҳир бўлдими-ей...

«Наҳотки?! — ўйладим мен ўз фикрларимга ишонишниям — ишонмаслигимниям билмай. — Наҳотки, менинг умримга зомин бўлганларнинг қонунларини қўриқлаш учун яратилган темиртан тазарруйимдан таъсирланган бўлса?! Наҳотки, электрон онг ўз дастуридан четга чиқиб, фақат инсонга хос мантиқий фикрлашга ўтолса? Наҳотки...»

Юрагим дукиллаб урib кетди. Мен ўз қисматим ҳал бўлишини зориқиб кутардим. Ахири темиртан ҳукмни эълон қилди.

«Осиб ўлдирилганидан сўнг оқлансин!»

Урисчадан
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси.

Маъруф ЖАЛИЛ

ҚОБИЛ ДАРВОЗАСИ

Енгил машина шаҳарга яқинлашганда, анча олисдан аркмонанд бир иншоот кўзга ташланади. Илгари келганимда бу ерда ҳеч нарса йўқ эди. Ҳайдовчи худди хаёлимдан кечган гапни билгандай сўз ташлади.

— Ургут дарвозасига келдик. Ҳамшаҳримиз Қобилжон ўз ҳисобидан қурдирди. Тўқсон минг сўмга тушибди.

— Яхши ёдгорлик бўлибди, отасига раҳмат.

— Шунча пулни қайдан олибди, — деди ҳамроҳимиз.

Жўшиб турган ҳайратимизга ногиҳон совуқ изғирин теккандай бўлди. Аммо унга эътироз билдириб ўтирмадик. Оппоқ пишиқ ғиштдан чиройли нақшлар билан безаб қурилган дарвозага яқинлашиб қолган эдик. Икки бурчида дарвозабон соқчилар ёки бошқа мақсадда фойдаланиш учун мўъжазгина деразали хоналар бор. Дарвоза деворлари анча энли. Унинг тепасида бир неча киши ўтириб дам олиши, атрофни томоша қилиши мумкин. Лойиҳачи муҳандис режаси ва моҳир усталар қўлидан чиққан ғиштин иншоот салобатли кўриниши, мажозий маъноси билан бизни мафтун этади. Агар адашмасам, бу яқин юз йил ичида Ўзбекистонда қурилган биринчи шаҳар дарвозаси бўлса керак. Чунки ўлкамизда шаҳарга дарвоза қуриш одати йўқолиб кетган. Юртимиз бедарвоза бўлиб қолган эди.

Ҳаётда ҳамма ҳам ўзидан бир ёдгорлик қолишини истайди. Биров китоб ёзади, биров ҳайкал йўнади, биров мусиқа яратади. Биров мачит ёки мадраса қурдиради.

Қобилжон эса ўттиз икки ёшигача йиққан бойлигидан ўз шаҳрига дарвоза қурдирди. Йиллар ўтади. Бугунги авлод ўрнига янги авлодлар келишади. Мустақил Ўзбекистон ишбилармон, тадбиркор, эл-юрти озодлиги, тўкин ва фаровон турмуши учун куч-ғайратини, билимини аямайдиган насллар қўлида яна ҳам обод бўлади. Қобилжон Ургутда қурдирган дарвоза ўлкамиз мустақил бўлган даврни, бунёдкорини эслатиб, савлат тўкиб тураверади.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидай, Қобилжон отасидан ибрат олган, устоз кўрган йигит.

Отаси Қўчқор Эргашев Ургутнинг туғди-битди фарзанди. Унинг отаси чармгар-кўнчи эди. Қўчқор тўққиз ёш пайтида отаси оламдан ўтди. Онаси бир этак бола билан бева қолди. Шунда Душанбада яшаётган тоғаси Ҳамдам Саттор уни ўз тарбиясига олди. Ўқитди. Қўчқор мактабни битириб «Ватан» атлас тўқиш корхонасига ишга кирди. Ҳунар ўрганди. Кейин тоғаси иккинчи қизи Сайёрани унга никоҳлаб берди. Фарзандлар кўрди. Душанба дорилфунунининг иқтисод бўлимига ўқишга кириб, уч йил ўқийди. Шундай кунларнинг бирида икки ўғлини мошин уриб кетди. Икки ғазиз фарзандидан ногиҳон жудо бўлди. Кейин ўқиш ҳам кўнглига сиғмади. Икки ўғил ва бир қизи билан ота юрти Ургутга кўчиб келди. Қўчқор оиласи билан икки йил тоғасиникида яшади. Тайёр ҳовли сотиб олмоқчи эди, тоғаси: «Онангнинг маҳри бўлган ерни ол. Шу ерда уй қур. Ота, онанг чироғини ёқиб ўтирсанг, арвоҳлар шод бўлади», деб маслаҳат берди. Қўчқор шундай қилди.

Жамоа хўжалигидан ер олиб, тамаки экди. Бутун оиласи билан ишлаб 25-30 минг сўмдан даромад оларди. Ишбилармон одамлар тежамли бўлишади. Олдинги сармоясига пул қўшилди. Жамғарма бўлса уни яшириб қўйишдан нима фойда? Эл-юрт ободлиги учун ҳаражат қилса, яна ҳам баракали бўлади.

Ургут дарвозасидан сал нарида, йўлнинг чап бетида пишиқ ғиштдан қурилган салобатли оппоқ кошона кўзга ташланиб турибди. Пештоқига «Сайёра» деб ёзиб қўйилган. Шаҳар дарвозаси ёнидаги бу чиройли кошонани Қўчқор ака ўз пулига бунёд қилди. Унинг қурилишида усталар билан бирга ўзи ҳам ишлади. Сайёра опа ҳам қараб турганини йўқ. Кун бўйи усталар, ишчиларга овқат пиширди, чой қайнатиб берди. Шунинг учун ресторанни рафиқаси номи билан атади. Бугун ўн бир киши хўрандаларга хизмат кўрсатмоқда. Олти нафари ўз одамлари — қариндошларининг ўғиллари.

Ургутга борганимда икки кунгача Қўчқор ака билан учрашолмадим. Ҳали у ёққа кетган дейишади, ҳали бу ёққа. Ишбилармон, тадбиркор одам бир жойда туролмайди. Қўл қовуштириб ўтирадиган бўлса, унинг иши ривож топмайди.

Ниҳоят, ҳовлисида учрашдик. Айвонда ўтириб суҳбатлашганда унинг нима қилиб юрганларини эшитиб, қойил қолдим.

Қўчқор ака қорачадан келган, чўзинчоқ юзли, босиқ-вазмин одам экан. Очиқ чеҳрасидан ақл-фаросат, билимдонлик нури ёғилиб турарди.

— Ресторан ёнидан тўрт гектар ер олганмиз, — дейди Қўчқор ака. — Ҳозирча мевали дарахт кўчатлари экиб қўйдик. Ўнта қўй, 5-6 қорамолимиз бор. Шуларга емиш ҳам экдик. Худо насиб қилса, миллий ҳовли шаклида ўнта меҳмонхона қурамиз.

Ургут — тоғли жой. Танга роҳат ҳавоси, шифобахш булоқлари бор. Бу ерда ҳам Кавказдаги сингари шифохоналар, сайёҳлик бинолари қурса бўлади. Вилоятлардан беморлар соғлиғини тиклашга, саёҳатсеварлар томошага келишлари мумкин. Қўчқор ака бунёд қилаётган ҳовли-меҳмонхонада оиласи билан яшаб, дам олади. Тўпхонани, қадимий чинорлар зиёратгоҳини, кундан кун обод бўлиб бораётган Ургутдаги бир-биридан гўзал бинолари, тоғнинг ҳушманзара жойларини томоша қилиб, ҳузур ва завқ олиб, таассуротлари бойиб, кўнгил ғуборларидан фориғ бўлса, ажаб эмас.

Қайта қуриш, ҳуррият туфайли шахсий мулк ҳақида қонун қабул қилинди. Энди пул бўлса ишга солиб данғиллама уй ҳам, кичик корхона ҳам қуриш мумкин. Бунча пулни қаердан олдинг, деб овора қилишмайди. Қўчқорнинг эсида: Душанбада бир яхши одам бор эди. Ишбилармон эди. Қўчқорга кўп яхшилик қилган, ҳунар ўргатган. Шу одам ўзига яхши ҳовли қурганди. Кимдир унинг устидан тегишли жойга ёзибди. Текшир-текшир бошланиб кетди. Ҳовлини мусодара қилиб тортиб олишди. Лекин ишлаб топган ҳалол пули ҳисобига қурганини исботлаб ҳовлини қайтариб олгунча беш йил сарсон-саргардон бўлди. У қанча азоб-уқубат, хўрлик изтироблари, идорама-идора, қозимақози юриш, сарғайиш эвазига қайтариб олди. Кеча-кундуз тинмай ишлаб топган пулига не-не умидлар билан қурган ҳовлидан айрилишдан ташқари, қамоқхоналарда ғанимат умри исроф бўлган одамлар-чи? Бундайлар оз эмас эди.

Уқувсиз, ялқов, ишёқмас кимсалар бахил бўлишади. Улар топармон-тутармон, ишбилармон, бирни икки қилишга уста кишиларни ёмон кўришади. Ёмон кўриб кўя қолишса кошки эди. Пайини қирқишга, йўқотишга ҳаракат қиладилар. Бунга «болшовойча» буйруқбозлик тузуми шароит яратиб берди. Қўллаб-қувватлади. Тенглаштириш мумкин бўлмаган нарсани тенглаштиришга, ўт билан сувни бир қолипга тиқишга интилишарди.

Ургут дарвозаси олдида бир ҳамроҳимиз: «Бунча пулни қайдан олибди?» деганда шунинг учун жўшиб турган ҳисларимга совуқ изғирин урилгандай бўлган эди. Бундай адолатсизликни бошқа жойларда ҳам кўрган эдим.

— Ҳар бир ҳовли-меҳмонхона қурилиши таҳминан 100 минг сўмга тушади, — дейди Қўчқор ака. — Бир ҳамшаҳримиз мачит қуриб берди, иккинчиси ўз ҳисобидан мадраса қурилишини бошлади. Шаҳримизни обод қилаяпмиз. Илгари нима қурса давлат қурарди. Энди ўзимиз ҳам...

Бундан ташқари Қўчқор ака ота касби — чармгарликни тикламоқчи. Терини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот! этик, маҳси, ковуш, куртка, пўстин ва ҳоказолар чиқарадиган кичик корхона қурмоқчи.

Шундай тадбиркору ишбилармонлар кўпаймагунча эл-юрт бойимайди. Аммо афсуски, одамлар кўнглидаги қўрқув, ҳадик тадбиркорлик ишининг авж олишига халақит бериб турибди. «Яна мол-мулкимизни тортиб олишмасмикин?», «Яна қулоқ қилиб юборишмасмикин?», «Қамаб, сургун қилишмасмикин?» деган шубҳалар чўчитади. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлиб, минг бор ўйлаб кенгашиб юришибди. Фақат таваккал қилган мардлар майдонга тушмоқда.

Дўконларда керакли нарсалар топилмаслиги, нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетганлиги, пулнинг қадрсизлиги одамлар орасида норозилик ва саросманинг кучайишига олиб келди. «Бозор иқтисоди» деган тушунча халқни чўчитадиган ола-бўжига айланиб бормоқда. Қайси қишлоққа, қайси шаҳарга борманг, ким билан суҳбатлашманг «Бозор иқтисоди»дан нолигани, норози бўлганини кўрасиз.

«Бозор иқтисоди нима?» деб сўрасангиз, нарх-навонинг ошиб кетганини айтишади. Бозор иқтисоди ҳақида нотўғри фикрга эга. Шунинг учун кўпчилик бозор иқтисодига қарши.

Нарх-навонинг ошиб кетганлиги бозор иқтисодидан эмас, тақчилликдан эканлигини тушунишмайди. Лекин маҳсулот кўп бўлса, нарх арзон бўлишини балодай билишади.

Маҳсулотни кўпайтириш учун нима қилиш керак? Ишлаш керак. Ишлаш учун шароит яратиш зарур.

Ҳозиргача ҳамма корхоналар давлат мулки эди. Умумхалқ мулки дейишарди. Бироқ ҳеч кимники эмас эди, ҳамма давлатга ёлланиб ишлар, жуда кам иш ҳақи олар эди. Шунинг учун ҳеч ким ҳеч қандай жавобгарлик ҳис қилмас, жон қуйдириб ишламасди, чиқарган маҳсулотининг сифати паст эди. Шунинг учун деярли ҳамма чет эл киймини кийишни, чет эл жиҳози ва буюмларини олишни ўйлар, ўзлари ишлаб чиққан нарсаларга қарагиси келмасди.

Шу боисдан корхоналарни шахсий мулк тариқасида халққа сотиш ҳақида қонун чиқди. Аммо қонун ҳамон амалга оширилаётгани йўқ. Шунинг учун нарх-наво ошиб, ишлаб чиқариш самараси пасайиб кетди. Оқибатда тақчиллик юзага келди.

Ургутга борганимда бир гап эшитдим: ғўё ҳамма вилоятларга жойлардаги кичик корхоналардан (ошхона, чойхона, ресторан, сартарошхона, турли устахоналар) 20 фоизи келгуси йилгача халққа шахсий мулк сифатида сотилиши керак, деган кўрсатма берилган эмиш. Аниқ маълумотга эга эмасман, балки тўғридир. Лекин шахсий кичик корхоналар очишга рухсат берилгани аниқ. Ургутда, бошқа шаҳарларда ҳам шахсий ошхона, қаҳвахоналар очилган. Ошхоналар, турли тикувчилик ширкатлари тузилган. Бироқ бундан бозорда маҳсулот кўпайиб, нарх арзонлашаётгани йўқ.

Ишбилармон, тадбиркор одамларнинг қўлини катта солиқлар, чеклашлар кишанидан бўшатиш зарур. Акс ҳолда ҳали-вери бозор иқтисодига ўтилмайди. Халқ эса етишмовчилик, йўқчилик жабрини кўраверади.

Бозор иқтисодининг асосий шартларидан бири — давлат мулкини шахсий мулк қилиб одамларга сотиш, янги ва қўшма корхоналар қуришдир. Ана шунда маҳсулот кўпаяди, рақобат вужудга келади. Сифати яхшиланиб, нархи арзонлашади.

Қўчқор ака кўнчилик кичик корхонаси қуришни мўлжаллаяпти. Район раҳбарлари хайрихоҳ экан. Демак, кўнчилик корхонаси яна биттага кўпаяди. Қўчқор акага ўхшаган чармгарлар авлоди бошқа вилоятларда ҳам бор. Улар ҳам кичик корхоналар очишса ва чармкуртка, пўстин, маҳси ва этиклар тикиб чиқара бошласа, бозорда буюмлар кўпаяди. Шундай бир йўналишдаги корхоналар сони ўн бешдан кам бўлмаслиги лозим. Ана шунда бозор учун, сифат учун, харидор учун кураш, рақобат юзага келади.

Ана шунда бозор иқтисодига ўтилди, деса бўлади.

Иқтисодий ислоҳотга тўсқинлик қилаётганлар нарх-навонинг ошиб кетишини бозор иқтисоди деб халқни чўчитмоқдалар.

Ерни шахсий мулк қилиб деҳқонларга беришга тиш-тирноғи билан қарши раисларни биламан. Ер деҳқонларга тақсимлаб берилса, улар мўмай даромад ва имтиёзлардан маҳрум бўлишади. Шунинг учун ислоҳотни хуш кўришмайди. «Ҳаммага ер етмайди, сув масаласида жанжал чиқиб кетади», — деб одамларни қўрқитишади. Аслида бу атай ўйлаб топилган, «катталар»ни ҳам, халқни ҳам ваҳимага солиш учун тўқилган уйдирмадир.

Бизда ҳам маданиятли мамлакатлардаги каби касбларнинг батафсил рўйхатини тузиб чиқиш, қайси касбда қанча қўл банд бўлишини аниқлаш, шунга қараб режа белгилаш даркор. Ана шунда қайси соҳага қанча одам зарурлиги аёнлашади. Ана шунда «ер етмайди, сув талашиб жанжал чиқади» деган баҳона билан тараққиётга тўсқинлик қилаётганларнинг ваҳимаси ёлғон эканлиги ошкор бўлади.

Хуллас, қимматчилик, йўқчилик, танқисликдан ўртаниб юрган меҳнаткаш халқни турли ваҳималар билан яна норози қилиш турмушни яхшилашга хизмат қилмайди. Эркин тадбиркорлик, рақобат дарвозасини кенг очиб қўйиш керак. Шунда турмуш фаровон, одамлар хотиржам бўладилар.

ТИКУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН

АНДИЖОН вилоят маҳаллий саноат бошқармаси тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси барқарор ишлаши натижасида бир неча ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилди. Тикувчилар ўзлари ишлаб топган фойда ҳисобидан Андижон давлат тиббиёт илмгоҳининг касалхонаси ҳамда вилоят касалхонасида ўз ишчилари учун саккизта ўрин олдилар. Бу эса касалларни яхшилаб парваришлашга, уларнинг тиббий муассасаларда даволанишлари учун қулай шарт-шароит яратишга кафолат беради.

Корхонанинг ўзида ҳам тикувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинмоқда. Бу ерда спортсоғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди.

(ЎзТАГ).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

МОЛИЯ-ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БАЖАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки универсал кредит-молия муассасаси ҳисобланади. У сўмларда, шунингдек эркин муомаладаги ва клиринг валюталарда операциялар бажаради.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ:

1. Сўмлар ва чет эл валютасида ҳисоб-китоб ҳамда касса хизмати кўрсатиш.
2. Сўмлар, чет эл валютасида кредит бериш.
3. Трансферт (сўмларни чет эл валютасига ўтказиш ва аксинча операция).
4. Лизинг (қулай шартларда ижарага мол-мулк, технологиялар, ускуналар бериш операциялари).
5. Факторинг (юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқини олиш операциялари).
6. Қулай шартларда молия ҳоли маблағларини депозитларга жойлаштириш.
7. Валюта ва сўмларда қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини таъмирлаш юзасидан лойиҳаларни инвестициялаш.
8. Миллий банкнинг ҳисоб-китоб рақамлари НЬЮ-ЙОРК, ВАШИНГТОН, ПАРИЖ, ФРАНКФУРТ-МАЙН, ЦЮРИХ, ЖЕНЕВА, ИСТАНБУЛ, БУДАПЕШТ, ТОКИО, АМСТЕРДАМ, СИНГАПУР ҳамда жаҳондаги бошқа энг йирик молия марказларида очилган.

Сизнинг операциянгиз бир неча соат ичида бажарилади.

Миллий банк аъло даражада хизмат кўрсатадиган, сизнинг молиявий манфаатларингиз ва эртанги кунга ишончингизни пухта кафолатлайдиган муассасадир.

БАНКИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Манзилимиз: **Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 23-уй.**

Азиз ҳамкасбимиз, журналимиз таҳрир ҳайъати аъзоси Сафура Мирзааҳмедова!

Бошингизга тушган оғир мусибат, мангу айрилиқ — волидаи мукаррамангиз **Сарварбону БОБОКАЛОН қизининг** вафотлари муносабати билан сизга чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Марҳумани Аллоҳнинг ўзи раҳмат қилсин.

«САХОВАТ» журнали таҳририятининг ижодий жамоаси.

Луқма

МАШИНА ШАХСИЙ ЭМАС, АММО...

30 январь куни эрталаб Себзор маҳалласидаги бекатдан Ишчилар шаҳарчаси — Жанубий вокзал йўли бўйича қатновчи 2-троллейбусга чиқдим. Ҳайдовчи ёнига 16—17 ёшлардаги икки шериги ҳам тиқилиб ўтириб олган. Магнитофондан маъносини кўпчилик тушунмайдиган қўшиқ варанглайди. Чипта олиш учун қўлимни чўнтагимга солган ҳам эдимки, ҳайдовчи овоз кучайтиргич орқали эълон қилди: «Чипта тешиб, ойлик карточкани кўрсатиб овора бўлманглар — ўтмайди. Йўл ҳақи 30 тийин. Тушадиганлар олдинги эшикка ўтишсин».

Ёнимда турган аёл буни эшитгач, жаҳли чиқди шекилли, «Ана холос, бу кетишда троллейбусларнинг ҳам кооператив таксилардан фарқи қолмайди чоғи», —деди-да чакичланган чипталарни ғижимлаб чўнтагига солиб қўйди.

«Ганга» бекатида тушганимдан сўнг машина орқасида ёзилган рақамларга кўзим тушди — 2004.

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳри йўлларида қатновчи троллейбусларда бундай манзарага тез-тез дуч келяпмиз. Сигарета чекувчи қизлар ҳайдовчи ёнига ўтириб олиб одамлардан заррача уялмай хоҳолашиб, чақчақлашиб кетишларига ҳам кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Демак, «Ҳаракат пайтида ҳайдовчини чалғитманг» деган гап номигагина ёзиб қўйилган экан да. Шаҳардаги трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари бунга нима дейишар экан?

Шуҳрат ТЎЛҚИН ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12